

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» КАФЕДРАСИ**

«ҲИМОЯГА»

Кафедра мудири

« ____ » _____ 2014 й

**ФАРҒОНА ТУМАНИ "АГРАСАНОА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИНИНГ РАСМИЙ
WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ"**

МАВЗУСИДА

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

БИТИРУВЧИ:

**А.Халимов
610-10 гуруҳ талабаси**

Фарғона 2014

Аннотация

Компютер инжинеринги факультети Информатика ва Ахборот технологиялари йўналиши 610-10 гуруҳ талабаси Халимов Акбаржон томонидан тайёрланаган «PHP ва Joomla CMS лардан фойланиб Фарғона тумани Агросаноат касб-хунар коллежининг web сайтини яратиш» мавзусига аннотация.

Ушбу битирув малакавий ишида замонавий компьютер имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда PHP ва Joomla CMS лардан фойланиб Фарғона тумани Агросаноат касб-хунар коллежининг web сайтини яратиш кўриб чиқилган.

Аналитик қисмида

- Web технологиялар ва уларнинг ривожланиш тарихи
- HTML, CSS ва PHP дастурлаш тилининг вужудга келиши
- Системалар, серверлар ва маълумотлар базалари

Асосий лойиҳа қисмида

- CMS лар турлари ва уларнинг пайдо бўлиши
- CMS ларнинг афзалликлари ва қийинчиликлари
- CMS технологияси - Joomlaда сайт яратиш кабиларга тўхталиб

ўтилган.

Тадбиқ қилишни ташкил этиш ва лойиҳала самарадорлиги қисмида web сайтларнинг имкониятлари, самарадорлиги ва ривожланиш истиқболлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Меҳнат муҳофазаси бўлимида компьютер хоналарига бўлган талаб, иш жойига қўйилган талаблар, компьютер хавфсизлиги, иш жойининг ёритилганлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда ёруғлик оқимини фойдаланиш коеффитсиенти усули ёрдамида суний ёритишни хисоблаш мавзусига доир физик масала ечилган.

Бундан ташқари битирув малакавий иши якунида ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ҳамда илова ўз ўрнини топган.

Кириш

Интернет технологияларининг яратилиши турли манбалардан тез ва осон йул билан ахборот олиш имкониятларини хамма учун-оддий фуқародан тортиб йирик ташкилотларгача мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Давлат муассасалари, фан-таълим муассасалари, тижорат корхоналари ва алохида шахслар ахборотни электрон шаклда яратиб-сақлай бошладилар. Бу мухит аввалги физикавий сақлашга нисбатан катта қулайликлар туғдиради: сақлаш жуда ихчам, узатиш эса бир онда юз беради ва тармоқ орқали бор маълумотлар базаларига мурожаат қилиш имкониятлари жуда кенг. Ахборотдан самарали фойдаланиш имкониятлари ахборот микдорининг тез кўпайишига олиб келди. Бизнес қатор тижорат сохаларида бугун ахборотни ўзининг энг қимматли мулки деб билади. Бу албатта оммавий ахборот ва хамма билиши мумкин бўлган ахборот ҳақида гап борганда ўта ижобий ходиса. Лекин пинхона (конфиденсиал) ва махфий ахборот оқимлари учун интернет технологиялари қулайликлар билан бир қаторда янги муаммолар келтириб чиқарди. Интернет мухитида ахборот хавфсизлигига таҳдид кескин ошди:

- Ахборотни ўғирлаш;
- Ахборот мазмунини бузиб қўйиш, эгасидан изнсиз ўзгартириш;
- Тармоққа ва серверларга ўғринча суқилиб кириш;

Бугунги кунда ахборот технологиялари ривожлантириш ва мавжуд базаларни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари бунга яққол мисолдир:

“Ҳозирги замондаги энг катта ва мухим вазифалардан бири замонавий ахборот технологияларидан бемалол фойдалана оладиган ёш авлодни тарбиялашдир. Бундан ташқари ҳаётнинг барча сохаларига ахборот технологияларини жалб этишни замоннинг ўзи тақазо этмоқда.”

Мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича президентимизнинг бир қанча қарор ва фармонлари еълон қилинган. Жумладан:

¹Ахборот ва компьютер технологиялар бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент ислом университетида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича)» йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 2005/2006 ўқув йилига қабул квоталари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

1* _ Ўзбекистон Республикаси президентининг қарори: Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 157-модда*)

5. Қуйидагилар:

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ходимларнинг чекланган сони 390 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 72 нафар бўлган ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиалларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент ахборот технологиялари университети филиалларини очиш, уларни жойлаштириш ва моддий-техник жиҳозлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун мувофиқ таркибда махсус ҳукумат комиссияси тузилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

икки ҳафта муддатда Тошкент ахборот технологиялари университети минтақавий филиаллари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг амалдаги Уставига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 2005/2006 ўқув йилида Тошкент ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрсин.

8. Тошкент ахборот технологиялари университети бир ой муддатда таълимнинг «информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича)» йўналишида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда филиалларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент Ахборот технологиялари университети учун 2005 йилга тасдиқланган бюджет маблағлари миқдorigа тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетида ва янги

ташкил этиладиган минтақавий филиалларда таълимни ташкил этиш учун зарур бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Юқоридаги президентимизнинг ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича қарори бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Бир неча йил аввал кўплаб web-саҳифаларини яратувчилар статистик маълумотларгагина қўллар эдилар. Web-саҳифалар HTML-файллардан ташкил топиб, фойдаланувчи ўз браузерини ишга юқлар ва ўқий олар эди. Секин аста web-тармоқда фойдаланувчилар билан алоқа учун формалар яратилиб, қидирув функциялари ҳамда ўзаро ахборот алмашилиш имкониятлари яратила бошланди, лекин саҳифага муружат қилувчига статистик маълумотлар аввалгидек кўринишда ифодалаб берилди. Энг эътиборли томони тармоқ магазинлари пайдо бўлиб, олди-сотди ишларини шу тармоқ асосида амалга оширувчи дастурлар ишлаб чиқарила бошланди. Шу кунларда эса, web-саҳифаларини яратиш дастурлари энг асосий куруллардан бирига айланиб қолди. Компютердан фойдаланувчи ўз шахсий иш режаларига эга бўлиб, бу ишларни, яъни электрон почтани текшириш, кўриш режаларини тартибга солиш кабиларни шу саҳифа асосида амалга оширади. Хатто баъзи бир махсус маълумотларни тармоқ орқали мижозга намойиш этиш учун кам саҳифа кўринишида узатилиб берилади.

II. АНАЛИТИК КИСМ

1.1. Web технологиялар ва уларнинг ривожланиш тарихи

Ахборот технологиялари ва замонавий техника ютуқлари билан ўзаро алмашиш эҳтиёжи глобал компютер тармоқларини мамлакатлараро ҳамкорлик дастурини амалга оширишни ажралмас қисми қилиб қўйди. Илмий ва маориф мақсадлари бизнес учун кўплаб компютер тармоқлари ташкил этилган. Кўплаб тармоқларни бирлаштира олувчи ва дунё ҳамжамиятига кириш имконини берувчи тармоқ бу-интернет. Интернет фойдаланувчига чексиз ахборот ресурсларини тақдим этади. Ушбу ресурсларга кириш учун мос келувчи амалий дастурий таъминотдан фойдаланиш керак. Дўстона график интерфейсли интернет хизматидан хар-бир кишининг фойдалана олиши учун имконият яратади. Бундай дастурларнинг кўпи фойдаланувчи учун қулай бўлган Windows ОТ мухитида ишлайди. График интерфейсли дастурлар муҳим хусусиятларга эга: Улар фойдаланувчига барча тизимли архитектура билан ва хар қандай компютер платформасида сақланадиган маълумотлар билан ишлаш имконини беради.

Агар биз web-саҳифаларини тайёрловчи сифатида асосан HTML, JavaScript ва график дизайнерлик билан шуқуллансангиз ёки сиз дастурчи бўлсак, лекин web -дастурлаш технологияси билан таниш бўлмасак у холда бу фан (соха) биз учундир. У сизга юқори энг замонавий йуналишда қадам қўйишингизга ёрдам беради. PHP тили Perl, ASP ва Java тиллари билан бир қаторда динамик web-саҳифаларни яратишда юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Замонавий ахборот технологиясига ҳисоблаш техникасидан ва электрон узатиш тизимидан фойдаланмай туриб, замон талабига жавоб берувчи молиявий муассасаларни ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис бундай муассасалар дастурли аппарат комплекси "уникация" воситаси сифатида энг йирик истъомолчилар ҳисобланади. Ташкилотларнинг алоҳида

автоматлаштирилган комплексларини боғловчи глобал тармоқлар миллий ва халқаро даражада ҳисоб-китоблар ўтказиш имконини беради. 20 йил аввал AQSH нинг муҳофизат вақфилиги тармоқ ишлаб чиқди. Бу интернет нинг бошланиши эди ва у ARPAnet дейиларди.

ARPAnet тажриба тармоғи бўлиб, у харбий ишлаб чиқариш сферасидаги илмий текширишлар учун яратилган. Шунингдек бомбардировка ёки бирмунча носозликларда тармоқлар бемалол ишлаши учун ҳам яратилган. Бу интернетни тузилиши ва структурасини тушуниш учун калит беради. ARPAnet да хар доим манба компютери ва қабул қилувчи компютер орасида алоқа бўлади. Pripn тармоғи ишончсиз дейиларди, чунки тармоқнинг хар қандай қисми хохлаган пайтда учиб кетиши мумкин. Фақат тармоққа эмас, шунингдек боғланаётган компютерларга ҳам алоқани тузиш ва қўллаб туриш юкланилади. Асосий принциплардан бири шуки, хар бир компютер бошқа бир компютер билан тенгма-тенг боғланиши мумкин. Тармоқда маълумотларни бериш интернет -IP баёни асосида ташкил қилинган.

Тармоқлар

МДХ да янги тижорат тармоқларини оммавий равишда барпо этиш 1991-йилдан бошланди ва доимий давом этиб келмоқда. Тармоқ хизматиға кирадиган худуд жадаллик билан кенгаймоқда, такдим этиладиган сервис даражаси ва сифати ўсмоқда.

Телекоммуникасия хизматининг ривожланиши хўжалик ва тижорат фаолиятини харакатлантиришнинг, иқтисодий ривожланишнинг мухим шартларидан биридир. Фаол маркетинг ва техник сиёсатни олиб борувчи айрим тармоқларни шархлаб ўтамыз:

Relkom тармоғи.

1990 йилда Атом энергияси институтининг ва бир қанча илмий тадқиқот институтлари (ИТИ), UNIX - компютерлари тизимини ишлаб чиқарувчи

мутахассислар ва фойдаланувчиларни бошқарувчи унча катта бўлмаган тармоқ ташкил этилди.

Тез орада тармоқ 30 дан ортиқ ташкилотларни бирлаштирди ва интернетнинг - ғарбий европадаги EUnet тармоғига уланди, ҳамда рўйхатга олинди. Хозирда Relkom умумий мақсадларга мўлжалланган тармоқ сифатида ривожланмоқда. У илмий ва тижорат ташкилотларини, давлат идоралари ва муассасаларини бирлаштиради. Техник жихатдан Relkomни ўз минтақасида фойдаланувчилар ўртасида маълумотлар алмашишини таъминловчи ва зарур пайтда минтақавий алоқа узеллари жамламаси деб тасаввур этиш мумкин. Relkom минтақа ичида ва EUnet, Интернет, Bitnet абонент тармоқларида электрон почта хизматини таъминлайди. Тармоқ Usenet телеконференцияларидан фойдаланиш имконини беради. Relkom орқали РЕЛИС тижорат ахборот тизими билан ишлаш осон ва қулай. Бу тизим кундалик янгиликларни, дайжестлар, тахлилий шархлар ва бошқа кўпгина мавзуларда ахборотларни такдим эта олади.

Sprintnet тармоғи.

Sprintnet маълумотларни узатиш тармоғи бўлиб, ўнлаб мамлакатларнинг юзлаб шаҳарларига кириш узелларига эга. Sprintnet тармоғига кенг соҳадаги маълумотларга эга мингта маълумот базаси уланган. Sprintnet тармоғи ахборотларни катта тезликда алмашиш имконини беради.

Glasnet тармоғи.

Ошкоралик кучайган пайтда ташкил этилган ва уни ўз атамасига айлантирган (Glasnost - ошкоралик) Glasnet тармоғи 1990 йилдан бошлаб Россия аҳолисига ва МДХ даги бир қанча давлатлар учун жaxon интернет компьютер тармоғига кириш хизматини таъминлайди. Хусусий мижозлар ва тармоқ хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес вакилларига эътибор бериш- Glasnet нинг ажралиб турувчи хусусияти саналади.

Sovam Teleport тармоғи.

Sovam Teleport Халқаро компьютер ахборот тармоғи San Fracisco Moscow Teleport (AQSH), Cable & Wireless (Буюк Британия) компаниялари ҳамда Автоматлаштирилган тизимлар институти (Россия) томонидан 1990 йилда ташкил этилган. Тармоқ аввало жорий вақт режимида телекс ва телефакс халқаро ахборот мўлжалланган. Халқаро тармоққа чиқиш ижарадаги йўлдан харбий европага алоқа қилиш каналлари орқали чиқилади.

Интернетда доменли манзиллаш

Хар бир IP манзил битта аниқ тармоқ думга мурожат қилади. Домен - бу тармоқдаги номма -ном хостлар гуруҳидир. Агар сизга компьютер ва домен номи маълум бўлса, уларнинг манзилгоҳи хақида аниқ тасаввурга эга бўласиз.

Интернетдаги мавзули доменлар

Домен

Мавзу белгиси

com.....	Тижорат корхоналари
edi.....	Ўқув муассасаси(масалан, университет)
gov.....	Нохарбий ҳукумат муассасаси
mil.....	Харбий муассасалар
net.....	Тармоқ ташкилотлари
org.....	Бошқа ташкилотлар

Интернетдаги географик доменлар

Домен	Мамлакатлар
au-----	Австралия
ca-----	Канада
de-----	Германия
fr-----	Франсия
jp-----	Япония
it-----	Италия
ru-----	Россия
uk-----	Буюк Британия
us-----	AQSH

Интернетда доменли манзиллашни қуйидаги схема бўйича ташкил этиш мумкин:

1- схема. Protocol. organisation. domain

Мисоллар: WWW. microsoft. com, ftr. netscape. com

2- схема. department. organisation. domain

Мисоллар: cs. msu. su

3- схема. name . domain

Мисоллар: gnn. com, wedlist. ru

4- схема. User@host

Мисоллар:avt@cs. msi. Su

Бугунги кунда web-сайтларни тузишда ананавий ва кенг тарқалган технология бу - Портал технологиясидир. Бу технологияни ривожланиши учун жуда кўп изланишлар амалга оширилган. Бу изланишлар натижасида Портал технологиясининг кенг ёйилишига эришилди. Шунга қарамай web - сайт яратишнинг Портал модели бир қанча камчиликларга эга.

Портал технологиясида web -сайт тузиш ва уни интернетга жойлаштириш учун кўп вақт ва маблағ талаб этилади. Масалан, бирор ташкилотнинг web - сайтини тузиш учун ушбу соҳада етарлича билимга эга бўлган мутахасисга мурожаат этиш керак. У web - сайтни маълум муддатда тайёр ҳолатга келтиради, уни Интернетга жойлаштиради, бу орада анча вақт, меҳнат ва маблағ сарфланади. Сайтни интернетга жойлаштиргандан кейин уни бошқарувчи администратор керак бўлади, бунинг учун янги ишчи кучи керак бўлади, агар сайт жудаям мураккаб бўлса бу ишларни бир шахс эмас, балки гуруҳ бўлиб амалга оширилади. Бу гуруҳнинг ҳар бир аъзосини ойлик маош билан таъминлаш керак бўлади. Портал технологияда тузилган web - сайтларни ўзгартириш ҳам мураккаб жараён ҳисобланади, бундан ташқари ушбу сайтдаги маълумотларни янгилаб туриш зарур. Мана шу камчиликларни бартараф этиш учун Машуп технологиясини қўллаш керак бўлади. Хўш бу қандай технология? Унинг афзалликлари нимадан иборат? Энг аввало Машуп ҳақида умумий маълумотларни билиб олиш керак.

Машуп бир қанча манбаалардан маълумотларни бир иловага жойлаштириш ва уларни бошқаришни таъминловчи технологиядир. Машупда қўлланиладиган контентлар бошқа сайтлар ва интернет хизматларидан очиқ интерфейс ёки амалий дастурлаш интерфейси - АДИ (инглиз тилидан API – Application Programming Interface) орқали олинади. Шу ўринда ёпик интерфейсдан фойдаланиш Машуп бўлмаслигини эслатиб ўтиш жоиз. Бошқа усулларда контентларни олиш Web-фидлар яъни RSS ёки HTML-саҳифа парсинг бўлиши мумкин.

Машупни тузиш учун алоҳида администраторлар талаб этилмайди, уни web - технологияларидан хабари бор оддий фойдаланувчи ҳам тузиши мумкин. Бунинг учун машуп дастурий таъминоти (масалан, ИБМ Машуп Сентер) қўлланилади. Ушбу дастурий таъминот ёрдамида фойдаланувчилар ўзи учун қулай бўлган кўриниш ва ўзи учун керакли бўлган маълумотларни ўзида жамлаган web -сайт тузишлари мумкин.

Машупни ташкил этишда уни хавфсизлик даражаси ва бошқарувига қараб икки турга ажратиш олиш мумкин:

1. Оддий фойдаланувчи учун машуп - бу кўп ҳолларда web 2.0 технологияга асосланган ва фойдаланиш давомида ташкил этиладиган машуп ҳисобланади.
2. Ишлаб чиқариш машуплари - машупнинг бу турида хавфсизлик ва бошқарув талабларига катта аҳамият берилар.

Машуп технология архитектурасини шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Контент провайдерлари - бу маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек маълумотлар очиқ интерфейс ёки web -фидлар орқали олиниши мумкин.
2. Машуп сайти - бу ахборот манбаига боғлиқ бўлмаган ҳолда хизматларни тақдим этувчи web -иловадир.
3. Мижоз браузерлари - фойдаланувчи учун мўлжалланган машуп интерфейси.

Агар машуп технологияни бизнес фаолиятига жорий этилса, катта натижаларга эришиш мумкин. Бу борада машуп фойдаланувчилар учун янги хизматларни тақдим этади ва ахборот алмашинувидаги баъзи камчиликларни бартараф этади.

Машуп нафақат турли маълумотларни бирлаштиради, балки, web - дизайн соҳасидаги бир қанча технологияларни ҳам бирлаштиради, ва биргаликда ишлашини таъминлайди. Баъзи машуплар фақат JavaScriptда XML кодлар орқали тузилиши мумкин. Агар мураккаброк машупларни тузиш мақсади қўйилган бўлса, унда бир қанча технологияларни бирлаштириш мумкин, масалан, JavaScript, PHP, CGI, ASP, Google maps, маълумотлар базаси ва бошқа технологияларни ўзаро боғлаб яхлит бир машуп - сайт тузиш мумкин.


1.1.1. HTML, CSS ва PHP дастурлаш тилининг вужудга келиши

HTML хақида

HTML нима. Аввал ана шу саволга жавоб топсак. HTML сўзи қисқартма сўз бўлиб унинг кенгайтмаси Hypertext Markup Language - яъни Гиперматнли текст деган маъно беради.

HTML да сайт яратишда асосий коидаларга албатта эътибор бериш керак. Сахифалар 2 қисмга бўлинади. Бош қисми (HEAD) ва тана қисми (BODY). HEAD қисмида сиз ишлаётган сахифанинг сарлавхаси, унинг метаси, стиллари га оида теглар сақланади. BODY қисмида эса асосий маълумотлар, яъни сиз сайт орқали кўрсатиб бермоқчи бўлган маълумотлар, расмлар, муסיкий файллар ва шу каби файлларни интернет Explorer сахифасида намоиш этиш учун бериладиган буйруқ теглари жойлашади.

Бу айтганларимизни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



Сахифани одамга ўхшатадиган бўлсак ушбу расм сизнинг тўлиқ тушуниб олишингизга кўмак беради. HTML тегларининг ёзилишини асосий бир коидаси бор улар албатта < ва > белгилари орасига олиб ёзилади. Мисол учун <HEAD>Маълумотлар</HEAD> кўринишида ёзиш мумкин. Эътибор берсангиз ТЕГ ларни ёзишда биз тегни очдик <HEAD> ва маълумотларни киритиб</HEAD> теги билан ёпдик. Демак теглар очилади ва одатда / белгиси билан ёпилади. Айнан ана шу буйруқлар берилмай қолса ҳам сиз кутган натижани ололмаслигингиз мумкин.

ТЕГлар хақида қисқача

Теглар нима. Теглар бу HTML тилидаги буйруқлардир. Биз тегларни дескрипторлар деб ҳам аташимиз мумкин. Хар қандай web саҳифалардаги маълумотлар албатта теглар ёрдамида ўқиш учун қулай ва кўринишли қилиб яратилади. Биз қуйида энг содда web саҳифани кўриб ўтамыз.

<HTML>

<HEAD>

<TITLE>

Саҳифа сарлавҳаси

</TITLE>

</HEAD>


<BODY>

Хужжат матни

</BODY>

</HTML>

Бунинг натижасида қуйидаги оддийгина саҳифа вужудга келади.



<HTML> - ҳамма маълумотлар ва амал бажарвчи теглар айнан ана шу тегнинг орасида ёзилиши шарт.

<HEAD> - Асосан шрифти ёки стиллар, кўпинча биз фойдаланганидан скриптлар HEAD теги орасида жойлаштирилади.

<TITLE> - Сахифанинг сарлавхаси TITLE теги орасига олиб ёзилса албатта натижа олиш мумкин.

<BODY> - Хамма маълумотлар - матнлар, расмлар ва шу каби маълумот берувчи объектлар тана қисми BODY - теги орасида жойлаштирилади.

Энди текстлар билан ишлашни кўриб чиқамиз. Биз саҳифамизга маълумотларнинг асосий қисмини текст сифатида қўямиз. Шунинг учун текстларни тартиб билан чиройли дизайнда намойиш этиш саҳифанинг ўқимишли бўлишига ёрдам беради. Текстлар ёзилиши қаторида янги қатордан, абзатсдан ёзилиши мумкин. Бунинг учун демак текстларга ранг танлаш ҳам алоҳида нозик дид талаб қилади. Биз текстга <p> ва </p> тегларидан фойдаланамиз.

Техтнинг каллиграф, ётик ва тагига чизилган ҳолда ёзиш учун , <i></i> ва <u></u> телари орасида ёзиш кифоя. Текст орқали бошқа саҳифага йул кўрсатмоқчи бўлсангиз албатта HREF тегидан фойдаланасиз. Мисол учун www.connect.uz

Кўринишда йул кўрсатсак албатта WWW.CONNECT.UZ саҳифаси очилади. Яна текстларни ҳар-хил сарлавхаларда ҳам ёзиш мумкин.

<H1> <H2> <H3> <H4> <H5> <H6>

Биз албатта саҳифа яратишда жадваллардан ҳам фойдаланамиз <table> Жадвал, <td> - жадвал устуни ва <tr> - - жадвал қаторлари тегларидан фойдаланилади.

```

<table width="100%" bordercolor="#0000FF"
border="1">
<tr>
<td colspan="2"><div align="center">
Бирлашган катак </div></td>
<td width="45%" rowspan="3"><div
align="center"> Бирлашган катак </div></td>
</tr>
<tr>
<td colspan="2"><div align="center">
Алохида катаклар </div></td>
</tr>
<tr>
<td colspan="2"><div align="center">
</div></td>
</tr>
<tr>
<td colspan="2"><div align="center"></div></td>
<td colspan="2"><div align="center"></div></td>
</tr>
</table>

```

Бирлашган катак		Бирлашган катак
Алохида катаклар		

Ана энди сахига расм кўйиш учун фойдаланиладиган тег `image` билан танишамиз. `Image` теги фақатгина сахифага расмларни жойлаштириш учун фойдаланилади. Расмла сахифаларни қизиқроқ ва тасавурга бойроқ қилиб кўрсатади. Демак расм кўйиш учун `<image>` тегини киритамиз ва `scr=""` кўйиб кўштирноқ орасига расм олинadиган манзил кўрсатилади. Албатта `width=""` ва `height=""` буйруқларида расмнинг кенглиги ва баландлик параметрлари кўрсатилади. `alt=""` тегидан фойдаланиб расмга изох ёзиш мумкин. Пастдаги расмда шу расм ва унга мос кодлар кўрсатилган. .



```

```

```
<html>  
<head>  
<meta http-equiv="Content-Type" content="text/html; char
```

CSS, нима ўзи у?

CSS - бу стиллар билан ишлай оладиган каскадли стиллар мажмуасидир. Web саҳифаларга ҳар хил стиллар бериш учун ишлатилади. HTML ҳужжат ичида теглар билан бирга фойдаланилади. CSS кодларини компиляция қилиш учун қандайдир компиляторлар, қандайдир дастурлар, ва бу код тушуна оладиган қандайдир редакторлар керак бўлмайди. Бу кодларни HTML сингари Web браузернинг ўзи компиляция қилади ва натижани чиқариб беради. Бу стиллар жадвали (CSS) тўлиқ ҳолатда 1997 йилда ташкил топиб, "WWW Consortium" ида қўллаб қувватланган ва фойдаланишга тақдим этилган. Ўша пайтларда HTML нинг 3 версияси оммабоп эди. CSS ни дастлаб Netscape Navigator 4.0 va Internet Explorer 4.0 браузерларида кўриш мумкин бўлган. Хозирда барча браузерлар CSS да ёзилган кодларни тушуна олади. Бу стилларга оид дастурлаш тилини ўрганиш содда бўлиб, янги стиллар қўшилиши натижасида кенгайиб бормокда.

CSS ни HTML ҳужжати ичида ишлатилишини бирин кетин кўриб ўтамыз:

1. Web саҳифада ишлатиладиган CSS кодлари орқали ҳосил қилинадиган стилларни ҳаммасини битта файлга ёзиб, уни серверда сақлаймиз. Сўнг, саҳифадан, сервердаги сақлаб қўйилган файлга мурожаат қилиб, керакли

стилни оламиз. Бу усул катта хажмдаги Web саҳифалар яратишда фойдали хисобланади. Файлга мурожаат, <HEAD>теги ичида амалга оширилади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади.

```
<LINK REL=STYLESHEET TYPE="text/css" HREF="URL">
```

<link> теги саҳифа бирор файлга мурожаатни амалга оширмоқда дегани, REL - файл қандайдир стиллардан иборат дегани, TYPE - стиллар CSS кодларидан иборат ва файл жойлашган манзил ёзилади.

1. CSS кодлар Web саҳифа ичидаги <HEAD> теги орасида берилади. Бунда яратилган стиллар шу саҳифага тегишли бўлади, бу дегани фақат шу саҳифада ишлатилиш мумкин дир.

```
<HEAD>< STYLE TYPE="text/CSS">
```

```
<!--
```

```
A {text-десоратион:ноне; }
```

```
-->
```

```
</--STYLE></HEAD>
```

2. Навбатдаги тури, бу ҳар бир элемент учун алоҳида тег ичида стил бериб чиқишдан иборат. Мисол учун, “р”теги ичида бирорматн ёзилса, шу матн учун тег ичида алоҳида стил берилади ва бу стил шу тег учун хусусий бўлади. Бу усулдан фойдаланишни маслаҳат бермиман, чунки бу усул кодларни чалкаш ва тушунарсиз бўлишига олиб келади. Шошилинич вазиятларда ёки стил кай тартибда намоён бўлишни кўриб олиш учун бу усулдан фойдаланишни маслаҳат бераман. Ундан ташқари <style> теги орқали CSS файлни импорт қилиш мумкин бўлади @import: url(mystyles.css); CSS стилларини ишлатишда, қуйидаги гуруҳлаш усулларида фойдаланиш, тартибли Web саҳифа тузишга олиб келади:

- Кодларни ихчамлаш учун, ҳар хил элементлар учун бир хил типдаги стилларни гуруҳлаб ишлатиш мақсадга мувофиқ дир.

H1 {font-family: Verdana}

H2 {font-family: Verdana}

Юқоридаги стилни гурухлаб қуйидагича ёзамиз.

H1, H2 {font-family: Verdana}

- Гурухлашда бир хил элемент учун бир неча стилларни бирлаштириш мумкин.

H2 {font-weight: bold}

H2 {font-size: 14pt}

H2 {font-family: Verdana}

Барча стилларни биттага йиғамиз

H2 {font-weight: bold; font-size: 14pt; font-family: Verdana;}

- CSS стиллари билан ишлаганда, элемент ичидаги элементлар ҳам ўзидан юқори турган элемент стилини қабул қилади, яъни ўзидан олдинги элемент "ота" вазифасини бажаради ва ўз "фарзандлари"га ҳам ўзида борини беради. Мисол учун, <p> теги ичидаги матн кўк рангда ёзилиши лозим бўлса (p {color: blue}), <p> теги ичидаги теги тегишли бўлган матн ҳам кўк рангда ёзилади. Баъзи стиллар фақат якка тартибда ишлайди, яъни ички тегларга стиллари ўтмайди (мисол учун, background), шунинг учун барча стилларни бирма бир ишлатиб, ўрганиб олиш лозим. <BODY> тегига стил бериб, дастлабки ўрнатилиш (по умолчанию) жараёнини хосил қилиш мумкин. Шунда бирор элементга стил бериш эсдан чиқиб қолса, <BODY> тегида таълуқли стил эсдан чиқган элементга ўрнатилади.

BODY {color: green;

font-family: "Verdana";

background: url(joke.gif) white; }

CSS 3 хақида

CSS - бу стиллар билан ишлаш учун мўлжалланган кодлар мажмуасидир. Хозирги кунга келиб янги CSS3 версияси ишлаб чиқилмоқда, лекин хали кўп браузерлар бу стилларни акс эттира олмаяпти. Шунинг учун CSS3

яратувчилари браузер ўртасида келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида браузер турига қараб ҳар хил префикслар ишлаб чиқишди ва бу префикслардан CSS3 тўлиқ яратилмагунча ишлатиш тавсия этилган, CSS3 тўлиқ яратилгандан сўнг бу префикслар олиб ташланади. Бу префикслар куйдагилар:

- Safari va Chrome browserlari uchun -webkit-
- Opera browseri uchun -o-
- Firefox browseri uchun -moz-

Элементларнинг исталган бурчагига(қисмига) бир вақтнинг ўзида ҳар хил расмларни жойлаштириш. Бу сайтни верстка қилиш жараёнини енгиллаштиради.

background:

url(top.gif) top left no-repeat,

url(center.png) top 11px no-repeat,

url(bottom.png) bottom left no-repeat,

url(middle.png) left no-repeat;

" Resize буйруғи. Бу буйруқ орқали фойдаланувчи исталган элементнинг ўлчамини ўзгартириш мумкин бўлади.

```
div.resize {  
width: 25px;  
height: 35px;  
resize: both;  
}
```

"CSS3 нинг яна бир янгилиги бу - элементлар(шакллар, блоklar) бурчагини исталган радиусда буриш мумкинлигидир. Кўп web сайтлар форма яратиш жараёнида, форманинг бурчакларини буришни верстка пайтида бирор расм орқали амалга оширишади, бу эса қўшимча иш ва вақт йўқотишга олиб келади, CSS3 да бу муаммо бартараф этилган ва куйидагича амалга ошириш мумкин бўлади.

```
#forma {  
border-bottom-right-radius: 2em;  
border-bottom-left-radius: 1em;  
border-top-left-radius: 5em;  
border-top-right-radius: 3em;  
}
```

PHP тарихи



1994 йили PHP тилиниг яратувчиси Расмус Лердорф ўзиниг сайтига меҳмонлар киришини ҳисоблаш учун Перл дастурлаш тилада махсус қобик ёзиб амалда қўллаган. Кўп ўтмай қобикни ишлаш унумдорлиги жуда паст ва секинлиги аниқланганидан сўнг, дастурларни янгидан "C" тилида ёзиб чиқишга тўғри келади. Кейин, дастлабки дастур кодлари муаллиф тарафидан барчага кўриш учун серверга нашр қилинган. Сервер фойдаланувчилари кодлар билан қизиқиб, уни ишлатиш муҳлислари ҳам пайдо бўлган. Хадемай, бу дастурлар алоҳида лойихага айланиб, 1995 йилнинг июн ойида дастурий маҳсулот PHP (Personal Home Page) номи билан биринчи наشري чиқарилди. Имкониятлари оддий ва содда бўлиб: бир неча буйруқларни тушунадиган код анализатори(текширувчиси), меҳмонлар ҳисоблагичини, китобини, чатини яратиш учун фойдали дастурлар тўпламидан иборат бўлган.

1996 йил апрел ойида дастурлар жиддий қайта ишланганидан сўнг, PHP/FI (Personal Home Page / Forms Interpreter) номи билан маҳсулотнинг иккинчи наشري пайдо бўлди. Бу маҳсулот HTML-код ичига ёзилиб, HTML-формаларни қайта ишлаб, ҳозирги PHP дастурлаш тилининг таянч имконийтларини ичига олган. PHP/FI код ёзилиши Перл тилига жуда ўхшаган, лекин соддароқ бўлган.



Rasmus Lerdorf, Endi Gutmans va Ziv Suraski

1997 йили PHP/FI 2.0 наشري чикди. Ўша пайтда бу махсулот билан дунё бўйича бир неча минг одам фойдаланиб, тахминан 50 минг домен бўлиб, интернетнинг 1%-ни ташкил қилди.

1997 йилда Энди Гутманс ва Зив Сураски PHP/FI кодини бошқатдан ёзиб чиқишди, чунки эски код улар ишлатаётган электрон тижорат тизимлари учун яроқсиз эди. Эски коднинг муаллифларидан ёрдам олиш учун улар бирлашишни таклиф этиб, PHP3 номли лойихани PHP/FI -ни расмий вориси деб эълон қилишди. Янги лойиха уюшгандан кейин PHP/FI лойихаси ишлаб чиқарилиши тўхтатилган.

PHP 3.0 -нинг энг кучли тарафларидан бири унинг кенгайтирала олинадиган ядроси(тизимнинг бошакрув қисми) бўлиб, бундан ташқари, маълумот жамғармалар билан, турли протоколлар ва интерфейслар билан биргаликда ишлаш кенг имкониятлари яратилди. Муваффақиятга эришишга анча ахамиятли факт бу янги тилни бойлиги ва объектларга мўлжалланган дастурлашни қўллай олиши. Янги лойиха билан бирга нафақат тилни ташки, ички тузулиши ўзгарди, балки ўзини номи хам. Энди PHP қисқартмаси "PHP: Hypertext Preprocessor" маъносини англатиши билдирилди. 1998 йилнинг охирида PHP фойдаланувчиларнинг сони ўн минглардан ошди. Юз мингдан ошиқ Web-сайтлар бу тилни қўллашини эълон қилишди. Тахминан интернетнинг 10% серверларида PHP 3.0 ўрнатилган эди.

1998 йилнинг июн ойда PHP3 тўққиз ой оммавий текширувидан кейин расман эълон қилинди. Шу йилнинг қишида Энди Гутманс ва Зив Сураски PHP ядросини қайтадан ишлаб чиқаришни бошлашган. Уларнинг асосий

вазифаси PHP тизимини унумдорлигини кўтариш ва коднинг модулларини яхшилаш эди. 1999 йилнинг ўрталарида биринчи марта такдим қилинган янги ядро "Зенд Энгине" деб номланган ("Зенд": муаллифлар "Зеев" ва "Анди" исмлардан ташкил топган). Уни асосида тузилган янги тил PHP 2000 йилнинг май ойида расман чиқарилган. Унумдорлик яхшилангандан ташқари, PHP 4.0 муҳим янгиликларга эга бўлиб, сессияларни қўллаш, буферли чиқариш, киритилган маълумотларни хавфсиз қайта ишлаш ва яна бир неча янги тил тузувчиларини пайдо бўлишидан иборат. Ҳозирги кунларда "Зенд Энгине" қайта яхшиланиб PHP5 тили ишлаб чиқарилди. Асосий ўзгаришлар объектларга мўлжалланган дастурлаш моделида бўлиб, тилнинг имкониятлари янада кенгайтирди.

Ҳозирда PHP тилини юз минглаб дастурчилар ишатиб, бир неча миллион сайтлар яратилиб, Интернетнинг 20% доменларини ташкил этмоқда.

1.1.2. Системалар, серверлар ва маълумотлар базалари

PHP турли хил системаларда ишлай олади. У система Windows, Unixнинг кўплаб версиялари, шунингдек Linux ва ҳатто Macintosh бўлиши мумкин. PHP кўплаб тармоқ серверларида, хусусан Apache, Microsoft Internet Information Server, Web Site Pro, Iplanet Web Server va Microsoft Personal Web Server - ларда ишлаши мумкин. Агар ўзимиз тузган дастурларимизни Windows тизимида текширишни хоҳласак охириги санаб ўтилган сервердан фойдаланишимиз мумкин, ҳатто Apache сервери Windows системаси бошқарувида ишласа кам.

PHP тилини яратишда маълумотлар базаси билан боғланиш талабларини алоҳида эътиборга олинган. Кўплаб маълумотлар базаларини PHP да ўқиш мумкин. Масалан буларга Adabas D, InternetBase, Golid, dBase, mSQL, Sybase, Empress, MySQL, Velosic, FilePro, Oracle, Unixdbm, Informix ва хоказоларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, PHP ODBC стандартини ҳам ўқий олади.

1.2. PHP дастурлаш асослари

1.2.1. PHP да ўзгарувчилар ва цикл операторлари

PHPда If ва цикл операторлари

If else(агар, акс холда) сўров оператори. Барча дастурлаш тилларида бўлгани каби PHP дастурлаш тилида ҳам бу оператор мавжуд. Бирор дастур тузишда бу операторинг ўрни каттадир. If else орқали текшириш жараёнлари амалга оширилади, яъни агар амал рост бўлса, бирор буйруқни бажар, акс холдабошқасини.

If (мантикий амал)

оператор_1;

else

оператор_2;

Мантикий амал рост бўлса, оператор_1 Акс холдаоператор_2 ишлайди.

Мисол_1

If (\$a>\$b)

Echo "a катта б дан";

Else

Echo "a кичик б дан";

// агар а ўзгарувчи б ўзгарувчидан катта бўлса, қавс ичидадан true (рост) натижа чиқади ва ундан кейинги оператор ишлайди, else дан кейинги оператор ишламайди. Агар қавс ичидан false(ёлғон) жавоб чиқса(а кичик б бўлса) If дан кейинги оператор ишламайди, аксинча else дан кейинги оператор ишлайди. Мантикий амал ичида гурухли солиштириш ҳам бўлиши мумкин, яъни бир пайтнинг ўзида бир неча солиштириш.

Мисол_2

If(\$cam>=100 && \$cam Echo "амал тўғри";

Else

Echo "E?????";

//агар бир вақтнинг ўзида ҳамма ўзгарувчи 100 дан катта ёки тенг бўлиб, 5000 дан кичик ёки тенг бўлса, экранда амал тўғри деган ёзув акс холда(бирорта амал хато бўлса) E?????? деган ёзув пайдо бўлади.Агар бир неча теркшириш бирин кетинлик билан амалга ошириш керак бўлса, хар бир қисм блокларга олинади({});

Мисол_3

```
If($a>$b)
{
Echo "a katta b"; $c=$b;
}
Else if($a==$b)
{
Echo "a teng b"; $c=$a;
}
Else
{
Echo "a kichik b dan"; $c=$a;
}
Echo "Kichik son: $c";
```

While sikli.

Бу оператор дастурлашда цикллар билан ишлаш учун мўлжалланган. Шарт терширилади ва цикл ишга тушади, токи шарт false(ёлғон) бўлсагина циклдан чиқилиб кейинги операторлар ишлай бошлайди. Унинг структураси:

While(мантикий_амал)

Операторлар;

Мисол_4

```
$i=1; $p=1;
While($i Echo $p, " ");
$p=$p*2;
$i=$i+1;}
```

While цикл операторининг бошқа шакли

While(мантикий амал)

Операторлар;

and while;

Do-while.

Бу ҳам цикл оператори. Фақат, дастлаб операторлар бажарилади ва кейин шарт текширилди. Бу циклда оператор(операторлар гуруҳи) камида бир мартаба бажарилади. Унинг структураси:

```
Do{
```

```
Operator;
```

```
}while(mantiqiy amal);
```

For цикл оператори

Бу цикл оператори универсал ҳисобланади. Бу операторнинг универсаллиги шундаки, барча жараёнлар for операторининг ичида содир бўлади. Унинг структураси. For(ўзгарувчиларни эълон қилиш;цикл шarti;циклдан кейинги жараён)

Цикл танаси;

Ёки

```
For(---/----/----/)
```

Операторлар;

End if;

Кўриб турганингиздек, цикл ишлашидан олдин барча қилиниши керак ишлар қилиниб олинади, кейин цикл ишга тушади.

Мисол_6

```
For($i=0, $j=0, $k="ok"; $i{
```

```
$k = $k.".";
```

```
Echo $k;
```

```
}
```

foreach

PHP4 дан кўшилган. Массивларни чиқариш учун ишлатилади.

Структураси: foreach(массив ас \$калит=>\$қиймат) Операторлар;

Мисол_7 (Барча глобал массивларни экранга чиқариш)

```
foreach($_SERVER as $k = $v)
```

```
echo "$k=>$v";
```

Калитга массивнинг харбир қийматини бериб, уни экранга чиқармоқда.

Агар калит керак бўлмаса, қуйидагича кўринишга эга бўлади.

```
foreach($massiv as $qiymat)
```

Операторлар;

Switch-case

Switch орқали бир ўзгарувчи текширилади ва case орқали ўзгарувчи қийматини топишга ҳаракат қилинади.

Структураси қуйидагича:

```
switch(бирор бир ўзгарувчи){
```

```
case қиймат1: команда1; break;
```

```
case қиймат2: команда2; break;
```

```
case қиймат3: команда3; break;
```

```
case қиймат4: команда4; break;
```

```
.....
```

```
case қийматN: командаN; break;
```

```
default
```

```
командалар break;
```

```
}
```


1.2.2. PHP да MS SQL базаси билан ишлаш

MySQL хақида бошланғич тушунчалар

MySQL - бу энг машхур ва жуда кўп фойдаланиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизими(МББТ) хисобланади. Бу тизим жуда катта маълумотлар билан ишлаш учун яратилмаган, аксинча бироз кичик хажмдаги базалар билан катта тезликда ишлаш учун яратилган. Унинг асосий ишлаш доираси, сайтлар хисобланади. Хозирги кунда жуда кўп сайт ва блоklarнинг маълумотлари айнан шу МББТ сақланади. Хўш, сайтларнинг нималари базада сақланиши мумкин? Дастлаб, маълумотлар сақлаш учун дастурчилар файллардан фойдаланишган, яъни файл очилиб керакли маълумотлар у ерга сақланиб, керакли пайтда чақириб ишлатилган. Кейинчалик файллардан воз кечилиб(ноқулайликлар юзага келган, яъни файлни очиш, ўқиш, ёпиш,.. кўп вақтни олиб қўйган, у ердан қидириш, хуллас жуда кўп), маълумотлар базасига ўтилган. Базада сайтдаги мақолалар, сайт фойдаланувчилари хақидаги маълумотлар, сайт контентлари, колдирилган комментарийлар, савол-жавоблар, хисоблагич натижалари ва шунга ўхшаш жуда кўп маълумотлар сақланади. MySQL шундай маълумотларни ўзида сақлайди. MySQL - жуда катта тезликда ишловчи ва қулай хисобланади. Бу тизимда ишлаш жуда содда ва уни ўрганиш қийинчилик туғдирмайди. MySQL тизими тсх компанияси томонидан, маълумотларни тез қайта ишлаш учун корхона миқёсида ишлатишга яратилган. Кейинчалик оммалашиб, сайтларнинг асосий базаси сифатида ёйилди.

Сўровлар SQL тили орқали амалга оширилади. Бу МББТ relational маълумотлар база хисобланади. Бу дегани база жадваллар, жадваллар эса устунлардан ташкил топгандир. MySQL МББТга 2 хил турдаги лисензияга эга. Биринчиси текин, яъни MySQLни кўчириб олиш ва ишлатиш хеч қандай харажат талаб қилмайди ва GPL(GNU Public Licenseb, GNU)) лицензиясига асосланади. Иккинчи тури, GPL шартига кўра, агар сиз MySQL кодларини бирор дастурингизда ишлатсангиз, бу дастурингиз ҳам GPL(текин) бўлиши

керак. Бу эса дастурчига тўғри келмайди. Шунинг учун, бу дастурингизни пуллик қилишингиз учун MySQL пуллик лисензиясини сотиб олишингиз керак. MySQL логотипи делфин хисобланади. Denwerнинг ичида куйидагича кўринишда бўлади.



Бу делфинни исми "Sakila"дир. Бу логотипни OpenSource тузувчиларидан бири Ambrose Twebaze га тегишлидир. MySQL жуда кўп операцион тизимлар билан ишлай олади. Буларни ёзадиган бўлсам: AIX, BSDi, FreeBSD, HP-UX, Linux, Mac OS X, NetBSD, OpenBSD, OS/2 Warp, SGI IRIX, Solaris, SunOS, UnixWare, Windows 95, Windows 98, Windows NT, Windows 2000, Windows XP, Windows Server 2000, Windows Vista, Windows 7,... MySQL швед корхонаси MySQL АБ га тегишли бўлган, кейинчалик SUN фирмаси MySQL ни ўзиники қилиб олган. Бир неча йил олдин эса, гигант корхоналардан бири Oracle, SUN фирмасини сотиб олди ва хозирда MySQL Oracle фирмаси махсулоти сифатида чиқиб келмоқда. Бу бир хисобда Microsoft SQL Server га катта рақобатдош эканлигини англатади. MySQL бир неча серверларнинг бир қисми хисобланади. Мисол учун, WAMP, AppServ, LAMP, Denwer,...

Клиентлар MySQL серверига маълум бир кутубхоналар орқали уланади. MySQL га қуйидаги дастурлаш тиллари уланиб ишлаши мумкин: Delphi, C, C++, Java, Perl, Php, Python, Ruby ва бошқалар.

MySQL типлари ва версия тушунчаси

MySQL бу - кроссплатформали дастур ҳисобланади, яъни бир хил типга эга бўлган(ишлаш технологияси бир хил), лекин ўрнатилувчи файллари бироз бошқачадир. Ҳозирда MySQL Oracle фирмаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда, олдин SUN фирмасига тегишли бўлган. Шунинг учун MySQL 4 версияси MySQL 5 версиясидан фарқ қилади. Ҳозирда(мақола ёзилишида) энг сўнги версияси 5.6.14 дир. Ҳар бир дастур, маълум бир сонлар асосида версияларга ажратилади.

Дастур исми ўзгармайди, фақат сонлар ўзгариб, дастурнинг янги ёки эскилигини ажратиб туради. Янги ёки эскилиги, дастурнинг даражасини белгилайди, яъни янги дастур эскисига қараганда янги кирралари мавжудлигини англатади. MySQL дастури ҳам ҳамма дастурлар каби ўз версиясига эга(5.6.14). Демак биринчи рақам асосий рақам дейилади. Бизнинг ҳолатда бу 5 рақами. Бу рақам камдан кам ўзгаради, фақатгина дастурнинг асоси ўзгарса ўзгаради. Кейинги рақам 6, бу рақам асосий рақамга ёрдамчи рақам ҳисобланади ва асосий рақамга қараганда тезроқ ўзгаради. Бунинг ўзгариши, дастурнинг ишлаш технологияси бироз ўзгариши натижасида содир бўлади. Кейинги рақам build дейилади. Бизнинг ҳолатда бу 14 рақам. Дастур ишлашида бирор нуқсон(буг) пайдо бўлса, дастурчилар дарров шу нуқсонни йўқотишади ва рақамни кейингисига ўзгартириб қўйишади. Бундан кўриниб турибдики бу рақам тез ўзгаради. Бу ўзгартириш дастурчилар тилида Patch дейилади. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб фикр билдирсам, барибир янги чиққан Patch, эски нуқсонларни бартараф этиб, янгисини пайдо қилади .

MySQL асосан 2 турга бўлинади. Биринчиси, пуллик версия бўлиб, MySQL Enterprise Сервер дейилади. Бу туридан фойдаланганда, ҳар йил маълум бир маблағ тўлаш талаб этилади. Иккинчиси, MySQL Community

Сервер деб номланиб, бепул хисобланади. MySQL Enterprise Серверни MySQL Community Сервердан фарқи, Enterprise типи ўзида барча утилитларни камраб олади ва чиқаётган барча янги Patch ва ўзгаришлар дастлаб шу типига чиқарилади ва анча вақтдан сўнг Community типига чиқади. Ундан ташқари Enterprise типига кластер технологияси ҳам мавжуд. Биз учун Community типи ҳам етарли хисобланади ва шу типини ўрганиб борамиз. MySQL Community типининг ҳам 2 тури мавжуд бўлиб, бири Essential(бошланғич) версияси, иккинчиси Installer дейилади. Essential турида фақат сервер мавжуд бўлиб, ҳеч қандай қўшимча компонентлар йук, Installerда эса бир неча қўшимча компонентлар мавжуд бўлиб, ҳажми ҳам каттароқ. Essential версияси zip архивда берилади, Installerда эса msi файли кўринишида бўлади. Ундан ташқари MySQL ни кўчириб олишда, операцион тизимнинг қайси битлигини ҳам инобатга олиш лозим(операцион тизим битлари ҳақида). Сайтда ҳам, 64 ва 32 учун алоҳида MySQL дастурини файллари таклиф қилинади. MySQL ишлаши учун, ҳеч қандай Apache сервери, кеч қандай PHP керак эмас. Фақатгина базани ўзини ўрганмокчи бўлсангиз, Apache PHP ларни ўрнатманг. Булар фақат тўлиқ сайт яратиш учун керак. Тўғри буларни ўрнатиш ҳам қийин эмас, лекин ортиқча нарсалар. Базани мукамал ўрганганингиздан сўнг қолган нарсаларни ўрнатиб, созловчи файллар орқали бир бирларини боғлаб оласиз. Яъна бир нарсаси, кўпчилик сайтларда олдин Apache кўйинг, кейин MySQL ва охирида PHP ни ўрнатиш деган мақолаларни учратиш мумкин. Умуман олганда кетма-кетликнинг умуман фарқи йўқ, биргаликда ишлашса ҳам, булар ҳаммаси алоҳида - алоҳида дастурлар. Агар ҳали ҳам MySQL нималигини англай олмаган бўлсам, охириги тушунтириш гапларини ёзаман, бу - маълумотлар базасини бошқариш тизими бўлиб, бу тизимга синоним тизим қилиб, Oracle, MY SQL SERVER ларни мисол қилиш мумкин.

1.2.3. Қидирув тизими структураси

Қидирув тизими (инглизчада "search engine")- бу компютерда, компютер тармоғида ёки бутунжаҳон web тармоғида world wide web сақланаётган маълумотларни қидиришга мўлжалланган дастурдир. Интернет қидирув тизими Information Retrieval System дан келиб чиккан. Бу система маълумотлар базаси учун калит-сўзлар индексини яратиб, натижада ушбу калит-сўз қатнашган қидирув сўровномасига жавоб сифатида натижалар рўйхатини кўрсатиш имкони пайдо бўлади. Қидириш тизимининг афзалликларидан бири бу керакли маълумот ёки ахборотни қисқа вақт ичида компютер хотирасидан топиб уни фойдаланувчига етказишдир. Қидирув тизимининг асосий вазифалари, ҳамда таркибий қисмлари қуйидагилардир:

" Индекс яратиш ва янгилаб туриш (хужжатлардаги маълумотлар структураси)

" Қидирув сўровномаларини бажариш

" Қидирув натижасини имкон қадар мазмунли, яъни тушунарли шаклда кўрсатиш

Одатда маълумотлар қидириш автоматик равишда амалга оширилади, масалан WWWда Webcrawler, алоҳида компютерда эса фойдаланувчи белгилаган индекслар рўйхатидан барча маълумотларни ўқиш. Қидирув тизими турлари қидирув тизимларини бир қанча белгиларига кўра турларга ажратиш мумкин. Қуйидаги белгилар мисол сифатида танлангандир. Янги қидирув тизимини яратишда ушбу белгиларнинг ҳаммасини олиш шарт эмас.

Ахборотлар тури турли хил қидирув тизимлари турли хил ахборот турларини қидира олади. Аввалига умумий қилиб маълумотлар турини кўрсатиш мумкин, масалан, матн, тасвир, видеотасвир, аудиофайл ва б. Натижалар ҳам ушбу турларга боғлиқ ҳолда тартибга солинади. Матн қидирилганда натижа сифатида ушбу матндан калит-сўз қатнашган бир қисм кўрсатилади. Ахборотлар манбаъи Классификациянинг яна бир тури бу қидирув тизими топган ахборотнинг манбаъи ҳисобланади. Кўпинча қидирув тизимининг номи ахборотлани қайси манбаъдан қидиришини кўрсатади.

- " Web қидирув тизими - WWWдан маълумот қидиради
- " Usenet қидирув тизими - бутун дунёга тақсимланган мунозаралар медиуми (воситаси) ҳисобланадиган Usenet дан маълумот қидиради
- " Intranet қидирув тизими - алоҳида ташкилотнинг ички тармоғидаги компьютерлардан маълумот қидиради
- " Desktop қидирув тизими - алоҳида компьютернинг маълумотлар базасидан маълумот қидирадиган дастур.

Мета қидирув тизими - қидирув сўровномасини бир вақтнинг ўзида бир неча индексга асосланган қидирув тизимларига жўнатади ва натижани турли комбинасияда кўрсатади. Устунлик томони - кўп микдорда маълумотлар топиши ва имплементасия жараёни осонроқлигидир. Ушбу қидирув тизими кам учрайдиган маълумотларни қидиришда яхши ҳисобланади.

" Гибрид формадаги қидирув тизими - одатда нисбатан кичик индексга эга, лекин бошқа қидирув тизимларига ҳам сўровнома жўнатиб, натижани комбинасияланган тарзда кўрсатиши мумкин. Кам учрайдиган маълумотларни қидиришда яхши эмас.

" Гурухлаштирилган қидирув тизими - нисбатан янги, бунда қидирув сўровномаси ўз қидирув тизимига эга бир неча компьютерлагра жўнатилади ва натижа умумлаштирилади. Марказлаштирилмагани учун узилиб қолиш хавфи йуқ, ишончли, лекин марказий тсензура (чеклашлар) кўишнинг иложи йуқ.

Энг кўп қўлланиладиган қидирув тизимларининг белгилари

Энг кўп қўлланиладиган белгилар комбинасияси WWWдан ахборот манбаи сифатида, матнли маълумотлар учун эса HTML-формат ва қидирувни амалга оширишда эса индекс яратишдан фойдаланади. Сўровнимани интерпретасия қилиш кўпинча содда синтаксисга асосланга холда амалга оширилади. Энг йирик қидирув тизими хособланмиш Google, Yahoo Search va Microsoft Live Search мана шу услубда ишлайди. Натижани кўрсатиш қидирув натижаси кўрсатадиган саҳифа кўпгина қидирув тизимлари томонидан иккига: табиий

рўйхат ва хомийлар linkларига ажратилади. Хомийлар linkлари тўлов асосида қидирув индексига киритилган бўлса, табиий рўйхатда қидириладиган калит-сўз қатнашган бўлсагина кўрсатилади. Фойдаланувшига қидирув тизимидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида натижалар мувофиқлик бўйича (Ранкинг) сараланади, лекин ҳар бир қидирув тизими саралаш учун ўз меъёрларига эгадир. Бу меъёрларга қуйидагилар киради:

- " маълумотнинг аҳамияти (Google учун PageRank -кўрсаткичи)
- " ҳар бир топилган маълумотда қидириладиган калит-сўзнинг қанчалик кўп учраши ва жойлашган ўрни
- " сўралган маълумотни баҳолаш ва сони
- " бошқа саҳифалардан ушбу калит-сўз қатнашган саҳифага қанчалик кўп linkлар берилганлиги
- " link бериладиган саҳифаларнинг сифати.

Ахборотларни қидириш. Интернет тармоғи шундай бир муҳитки у ўзида турли кўринишдаги ва турли тиллардаги кўплаб ахборотларни жамлаган. Бунда ушбу ахборотлар ичидан керакли бўлган маълумотларни қидириб топиш муаммоси пайдо бўлади. Интернет тармоғида ҳар бир фойдаланувчи ахборотни қидириш учун ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа тиллардаги бир ёки бир неча сўздан ташкил топган сўровлардан фойдаланади.

Ахборотларни параметрлари бўйича қидириш. Кўриб ўтилганидек, ҳарбир фойдаланувчи интернет тармоғи орқали ўзига керакли бўлган маълумотларни унинг мавзуси ҳамда таркибидаги сўз ёки жумла бўйича қидириб топиши мумкин, лекин интернет тармоғида маълумотлар шунчалик кўпки, таъкидлаб ўтилган усул самара бермаслиги мумкин. Бундай ҳолларда интернет қидирув тизимлари қидирувнинг бир қанча қўшимча усуллари бўйича қидирувни тақдим этади,

булар:

- " маълумотларни унинг тили бўйича қидирув;
- " маълумотларни унинг тури (матн, расм, мусика, видео) бўйича қидирув;
- " маълумотларни унинг жойлашган минтақаси бўйича қидирув;
- " маълумотларни унинг жойлаштирилган санаси бўйича қидирув;
- " маълумотларни унинг жойлашган интернет зонаси бўйича қидирув;
- " маълумотларни хавфсиз қидирув.

Расмларни қидириш. Расмлар маълумотларнинг график ёки тасвир кўриниши ҳисобланади. Интернет тармоғида график маълумотларнинг кўплаб турлари учрайди, яъни: чизма (вектор), фото (растр), ҳаракатланувчи (анимация) ҳамда сиқилган расмлар. Бундай график маълумотлар таркибида матнли ахборот мавжуд бўлмайди.

Замонавий қидирув тизимларининг ишлаш принципи

Қидирув тизимининг асосида "робот" ётади(шундай деб аталади). Ушбу робот интернетдаги саҳифаларни топиш, уларни юклаб олиш ва шу саҳифани индеклашга бериш билан шуғулланади. Робот - қидирув тизимининг серверида ишлаб турувчи дастур.

Шундай қилиб, қидирув тизимларининг ишлаш тартиби қуйидагича:

1. Робот саҳифани бутунлигича қидирув тизими серверига кўчириб олади;
2. Робот кўчириб олган саҳифани индеклаш бошланади, яъни, унинг ичидаги матн таҳлил қилинади, калит сўзлар топилади, матн маълумотлар омборига сақланади ва хоказо;
3. Робот олинган саҳифадаги боғларни(link) таҳлил қилади ва рекурсив равишда шу боғлар бўйича янги саҳифаларни олишни бошлайди.

Энди эса РНРда энг содда қидирув тизимини хосил қилишни кўриб чиқамиз.

РНР файл хосил қилиниб қуйидаги код ёзилади:

```
<form action="" method="get" name="f1">
<input type="search" placeholder="qidir" name="search"><br>
<input type="submit" value="Qidiruv" name="s1"><br>
</form>
<?
if (isset($_GET["s1"]))
{
$search=$_GET["search"];
include_once("conf.php");
$sql="SELECT* FROM jadval where fam='$search' or ism='$search'";
$r=mysql_query($sql) or die ("xato");
while($row=mysql_fetch_array($r))
{
echo $row["id"]."<br>";
echo $row["ism"]."<br>";
echo $row["fam"]."<br>";
echo $row["mail"]."<br>";
echo $row["manzil"]."<br>";
}
}?
```

II. ЛОЙИХА ҚИСМИ

2.1. CMS лар турлари ва уларнинг пайдо бўлиши

Барчага маълумки, бутунжахон тармоғидаги web-саҳифалар кундан кунга кўпайиб бормокда. Бу ҳолат Ўзбекистонда, яъни Uznetда ҳам жадаллик билан амалга ошмокда. Кимдир ўз шахсий саҳифасини яратса, компания ва фирмалар корпоратив сайтларини яратмокда. Яна кимдир ўз кундаликларини, яъни блогларини олиб бордилар.

Шу билан бирга, йирик порталлар фаолияти ҳам ривожланмокда. Буларнинг ҳаммаси эса бирор дастурий восита ёрдамида яратилади. Кимдир HTML тилида, кимдир PHP да, яна кимлардир CMS деб аталувчи тизимлар ёрдамида Web-сайтларни яратмокда. Хўш, CMS дегани ўзи нима. Бу тизимни нима эканини тушуниш учун, келинг, аввало, web-саҳифалар қандай яратилиши ҳақида билиб оламиз.

1989-йилда Тим Бернерс-Ли томонидан World Wide Web, яъни бутунжахон ўргимчак тўри ихтиро қилинганидан бошлаб унинг ҳар бир фойдаланувчиси оддий бўлса-да, ўз web-саҳифасини ярата олиш имкониятига эга бўлди. Лекин, бунинг учун HTML (Hyper Text Markup Language) тилини билиш шарт эди. Турли хил ИТ-компаниялари томонидан бу ишни осонлаштирувчи бир қанча дастурий пакетлар, жумладан Adobe Dreamweaver ва Microsoft FrontPage кабилар яратилди. Бундай дастурлардан баъзилари сайт яратишнинг барча боскичларини (HTML-кодни ёзишдан бу кодни серверга юклашгача) бошқаришни ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда (айнан оддий саҳифаларни яратишда) фойдаланувчи бу кодни билиши шарт бўлмаган. Сабаби бу дастурларда web-саҳифаларни яратишнинг визуал усулларида фойдаланилган.

Бироқ, HTML-редакторларининг барча афзалликларига қарамай, сайтни бошқариш вақт ўтгани сайин ва янги маълумотлар қўшилиши билан қийинлашиб бораверди. Чунки ахборот технологиялари ривожланиши билан web-сайтлар ҳам ривожланиб борди. Сайт харитасини яратишдек оддий

функцияни қўшиш учун ҳам web-яратувчилар томонидан анча-мунча меҳнат талаб этилар эди. Ахир бунинг учун барча иловаларни кўриб чиқиш, саҳифалар орасидаги боғлиқликларни текшириш, менюни яратиш, форумни қўшиш каби ишларни бажариш лозим эди. Бу эса доимий диққатни ва жуда кўп вақтни талаб этарди.

CMS "Content Management System" деб ёйиб ёзилади, яъни контентни бошқариш тизими ёки сайтни бошқариш тизими. Бу сайтни тез яратиш , Битрих (Сайтни Бошқариш Тизими) ишини соддалаштириш учун хизмат қилади. Биринчи: сайтни бошқариш тизими буюртмачига сайтни мустақил эксплуатация қилишда, яъни бизнинг мутахассис билан эмас, балки ўзингизнинг компания хизматчингиз (менеджер, котиб, маркетинг) билан сайтдаги ихтиёрий маълумотни ва унинг структурасини ўзгартиришингизга имкон беради.

Агар сиз сайтнинг маркетингли ускуна ва ундаги ҳар қунги маълумотида компаниянинг охири маркетингли акциялари акс этишини хоҳласангиз у ҳолда CMS ни сизнинг сайтнингизга қўлланилиши шарт. Бу - сайтнинг ривожлантириш ёки модернизациялаш ишларида ўйланмай қилинган ҳаракатлар ёки шунчаки ҳатолардан асрайди.

Иккинчи: Сайтни бошқариш тизими ёрдамида сайтни ривожланиши сезиларли соддалашади ва жонланади. Сайтда янги бўлим яратиш, ихтиёрий саҳифада реклама блокларини, ички баннерларни ёки товарларнинг махсус таклифларини жойлаштиришни буюртмачи мустақил ва дақиқалар билан ўлчанадиган вақт мобайнида бажариши мумкин. Бундан ташқари, буюртмачи мустақил , бизнинг ёрдамимизсиз, CMS ёрдамида сайтни янги интерфаол бўлимларини яратиши (масалан, форум) ёки у ёки бу саҳифаларни парол билан ёпиб ва уларга фақат танланган фойдаланувчиларгагина киришга имкон бериш мумкин.

Учинчи: Бизнинг сайтни бошқариш тизимимиз (CMS, Битрих) сизнинг сайтнинг асосида ётувчи бўлган, бошқа проектарда кўп мартаба

ўрнатилгани (3500 мартадан кўпроқ), учун у сайтингни уни эксплуатация қилиш жараёнида дастурий хатолардан асрашига кафолат беради.

CMS - бу Content Management System дан олинган кенгайтма, у сўзма-сўз таржима қилинганда "Сайт контентини Бошқариш тизими" ёки "Сайтнинг Бошқариш Тизими" ларни аниқлатади. Баъзида CMS ни сайтнинг "Харакатлантирувчиси" деб аташади. CMS - бу динамик маълумотли веб-саҳифаларни ишлаб чиқариш ва таъминлашга имкон берувчи дастурий таъминотдир. Хар хил CMS хар хил мураккабликдаги сайтларни проектлашга имкон беради. Интернет магазинлардан то информатсион порталларгача, ҳаммасидан ҳам, CMS ахборотли ва контентли сайтларни яратиш учун мос келади.

CMS нинг иккита асосий тури бор:

1. Интернетда ишловчи ва жойлашувчи CMS.
2. Компютерга ўрнатилган ва сайт билан автоматик ёки файлларни янгилаш интерфейси орқали уланган CMS.

CMS нинг сайт билан интеграциясидан кейин , компаниянинг хизматчиси сайт таркиби ва структурасини бошқаришлари, янгиликларни чоп қилишлари, матнларни таҳрир қилишлари ва графикани жойлаштиришлари , каталогдаги маҳсулотни узгартиришлари ва маҳсулотларни қўшишлари янги саҳифаларни , бўлимларни яратишлари ва кўпгина бошқа ишларни бажаришлари мумкин. CMS асосида қурилган динамик сайтларнинг устунлиги дизайннинг ахборотли тўлдиришдан ажратилганида бу ҳужжат айланмасини, бизнес жараёнларни шахсийлаштириш механизмларини автоматлаштиришга имкон беради. Бундан ташқари, CMS сайт таркибини осон, содда ва тез бошқаришга имкон беради. Бу CMS дан фойдаланишнинг иқтисодий фойдаси сезиларли даражада бўлишини таъминлайди.

CMS нинг мақсад ва вазифалари - мижоз томонидан маълумот ва графикаларни босқариш, тўлдириш ва таҳрир қилиш. Соддароқ қилиб

айтганда, бу тизим - сизга бўлимларни ўзгартириш ва тўлдириш, сайт таркибини тахрир қилиш, сайт графика ва дизайнни ўзгартиришга имкон беради. CMS сиз бундай сайтни бошқариш масалалари қиммат турувчи дастурчилар аралашимасе хал қилинмайди.

CMS сайт контентни бошқариш тизими web - сайтларни яратиш ва таъминлаш нархини пасайтиради, шунингдек материалларни янгилаш тезлигини оширади, яъни сайт хўжайнида материал пайдо бўлганидан то сайтда чоп этилганигача кетган вақт CMS ни шарофати билан минимал бўлади. Бунинг устига CMS да маълумотларни чоп этишга тайёрлаш жараёни жуда хам оддий. CMS контентни бошқариш тизимининг шубҳасиз ижобий томони шундаки, сайтни бошқариш ва таъминлаш нархи пасаяди. Бу web - мастер ойлик, маошига хужжатларни излашга иккиланиш ва хатоликларни олдини олишга кетган йўқотишларнинг пасайиши, шериклар ва мижозлар билан боғланиш тезлигининг ортиши хисобига юз беради. Сизга лойихани таъминлаш ва ривожлантириш учун мутахассис ёллашингизга тўғри келмайди.

CMS ёрдамида сиз сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг хажми сайт нархига таъсир қилмаслигига гувоҳ бўласиз. CMS контентни бошқариш тизими сизга сайтда ихтиёрий хажмдаги маълумотларни жойлаштиришга имкон беради. Одатда CMS га асосланган сайт саҳифалари бутунлигича сақланмайди, балки уларга мурожат қилишда жуда тез шаклланади, бу саҳифаларни юклашдаги тезликни оширишга имкон беради, чунки саҳифа шаблони (дизайнерлик расмийлаштириш) фақат бир марта юкланади ва кейинчалик хар бир янги саҳифа сўровида фойдаланувчи компютеридан очилаверади. Сайтни бошқариш тизимида одатда кешлаштириш механизми амалга оширилади, бу қурилмаларга тушадиган юктамаларни камайитиришга имкон беради ва ишлашнинг ва сайтнинг киритиш қобилиятининг тезлиги ошишига имкон беради. Бу ишлар маълумотлар базаси ва статик материалларга сўров натижаларини сақлаш эвазига содир бўлади. Одатда CMS тизимини сайтнинг компания ишлаб чиқарувчиси ўрнатишини таклиф

қилишади. Бу анча тўғри вариант чунки тизим аввал бошиданок сизнинг сайтингизга жойлашиб, мослашиб кетади. Шунингдек, CMS тизимлари қўшимча функцияларни таклиф этади ва охир оқибат сайтда форум, мехмон китоби, саволлар ва жавоблар ва хоказоларни жойлаштиришга имкон беради. CMS нинг текинлари ҳам мавжуд, улар сайт таркибини бошқариш учун етарлича катта имкониятларни намоиш қилади. Текин CMS лар қўп фойдаланувчиларга эга, улар текин контентни бошқариш тизими ёрдамида сайтни бошқариш муаммоларини хал қилишга ёрдам беради. Текин CMS ларга катта микдордаги кенгайтма ва қўшимчалар мавжуд, улар сайтни бошқариш жараёнини анча қулай ва функционал қилишга имкон беради. Аммо текин CMS ларнинг салбий томони расмий техник қўллаб қувватлашнинг йўқлиги ва сайт таркибини бошқариш тизимида критик хатоларни тўғрилаш, тезлигининг пастлигидадир.

Кайси CMS дан фойдаланган маъқул?

Хозирги даврга келиб, CMS асосига қурилган бир қанча тизимлар яратилган. Уларга мисол қилиб, Drupal, PHP-Nuke, WebDirector, Joomla!, NetCat, Slaed, Microsoft CMS, WordPress, PHPShop кабиларни келтириш мумкин. Бу тизимларнинг баъзилари умуман текин бўлса, баъзиларидан эса ҳаққини тўлабгина фойдаланиш мумкин. CMS ни танлаш бир томондан осон ва жўндек кўринсада, бу жуда жиддий масала. Интернетда уларнинг турли йўналишдаги ўнлаб (агар юзлаб бўлмаса): юз долларлаб турадиганидан то очиқ кодли бепул туригача, маълум бир сохагагина тааллуқлисида иштиёрий мураккабликдаги сайт қуриш имконини берадиганигача, осон бошқариладиганидан администратор учун катта қийинчиликлар келтирадиганигача турини топишингиз мумкин. Хуллас, агар CMS лар билан ишлаш бўйича ҳеч қандай тажрибангиз бўлмаса, кераклисини танлаш қийинлашиб кетиши тайин. Дастлаб келинг, пуллик CMS ларни ишлатмасликка ҳаракат қиламиз. Ахир катта пул тўлаб, CMS ни ишлатишдан бесамара фойдаланишга нахожат. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш керак: бу

билан ўзимизга қийин қиламиз. Бошқа тарафдан эса, қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик қизиқ бўлиши аниқ, шундай эмасми? Энди CMS ларга яна бир талаб қўямиз: универсаллик. Бу дегани, биз ишлатмоқчи бўлган CMS ихтиёрий конфигурациядаги компьютерларда ҳам ишлай олишидир. Шунингдек, сайтни локал сервердан ҳақиқий серверга кўчирганимизда ёки бевосита сервернинг ўзида яратаётганимизда CMS билан ҳеч қандай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Бу талабга эса, афсуски, кўпчилик бепул CMS лар жавоб бера олмайди.

Барча дастурий таъминотларга қўйиладиган талаблардан яна бири - хавфсизлик (ахир сиз ҳафталаб-ойлаб яратган сайтингни шунчаки қизиқиш учун бир кунда бузишларини хохламасангиз керак?). Шунинг учун CMS ларнинг хавфсизлик даражалари доимий янгиланиб туриши шарт.Натижада, талабларимизга деярли тўлиқ жавоб берадиган қуйидаги: PHP Nuke, Drupal, Joomla!, Slead CMS тизимларигина қолади. Энди ана шу CMS ларни батафсилроқ кўриб чиқамиз ва ўзимизга керакли баъзи хулосалар чиқарамиз.

PHP Nuke. Энг биринчи CMS лардан бири бўлиб, афсуски, анча вақтлардан буён янгиланмай келмоқда. Бироқ, унинг коди кўплаб адашлари учун асос бўлиб хизмат килмоқда (масалан, DotNetNuke, PostNuke). Бу бирига ном жихатдан яқин бўлган тизимлар фойдаланувчи диққатига навбатма-навбат чиқиб туради. Функционаллик жихатидан тизим анча мукамал бўлиб, унинг учун кўплаб қўшимча модулар яратилган. Масалан, хабарлар лентаси, форум, мақолалар, сўровлар ташкил қилиш, статистика олиб бориш ва бошқалар. Аммо, сайтларнинг тузилиши жихатидан бир хиллик кузатилади. Шу билан бирга, бу тизим юкланиши қийин бўлади, яъни қўшимча модулар саҳифа юкланишини секинлаштиради. Бу эса кўплаб фойдаланувчиларга ёқмаслиги тайин. Юкланиш нафақат саҳифага, шунингдек, серверга ҳам тушади, бу эса хостинг хизматини тақдим этувчиларга ёқмайди. Агар сизни шундай вазият қониктирса, айнан шу CMS ни танлашингиз мумкин.

Drupal. Турли хил ўзгартиришлар орқали ўзимизга мослаб олиш бўйича энг мукамал CMS деб айтиш мумкин. Шу ерда шуни айтиш керакки, "Томчи" (бу тизим номи инглиз тилидан айнан шундай таржима қилинади) аслида, CMS эмас, балки "CMS ни тузувчи тизим". Унинг ёрдамида сиз тайёр блоклардан керакли CMS ни йиғасиз. Шуни айтиш мумкинки, функциоаллик ва дизайн жихатидан ўзингизни каноатлантирувчи CMS ни хосил киласиз. Стандарт модуллар тўпламига блог, форум, хабарлар лентаси, файлларни юклаш, овоз бериш, қидирув кабилар киради. Бунда кўринадиган камчилик битта: PHP ва MySQL ни мукамал билиш лозим. Агар бу қисқартмаларни тушунмаган бўлсангиз, кейинги CMS га ўтаверинг, Акс холда эса бу тизимга жиддийроқ эътибор беринг.

Slead CMS. Бугунги кунда анча оммабоп CMS бўлиб, турли хил сайтларда ишлатилади. Икки хил варианты мавжуд: пуллик ва текин (ОпенSlead). Иккови ҳам битта ядрога қурилган (бу дегани хавфсизлик даражаси бир хил) ва фақатгина функционаллигига таъсир қилувчи модуллар сони билан фарқланади. Бепул вариантыда бирор мавзудаги нисбатан кичик портални яратишингиз мумкин. Аммо, бундан ортиғини эмас. Дизайни ҳам унчалик катта қийинчиликларсиз ўзгартирилиши мумкин. Тизим аслида Россияда яратилгани учун рус тилидаги ёрдам (slead.net) хақида қайғурмаса ҳам бўлади.

Joomla! Бугунги кунда энг мукамал движоклардан бири (агар бепуллари ичида энг мукамали бўлмаса) бўлиб, унинг учун шунчалик кўп қўшимча модуллар яратилганки, улар ёрдамида ўзингизнинг сайтингизга деярли ихтиёрий функционалликни беришингиз мумкин. Бу дизайнга ҳам тегишли бўлиб, уни ўзгартириш учун ҳам жуда кўп шаблонлар мавжуд. Бироқ, бу ерда бир камчилик ҳам бор: шаблонлар тизими шундай тузилганки, саҳифаларни яратиш ва тўлдириш жараёнида сайт бўлимчалари кичик-кичик қисмлар бўлиб, ажралиб қолиши мумкин. Яъни, бу қисмлар жадваллар асосида яратилган.

2.2. CMS ларнинг афзалликлари ва қийинчиликлари


Статик ва динамик Web-саҳифалар

Энди савол туғилиши мумкин: оддий HTML кодида ёзилган саҳифа билан CMS нимаси билан фарқ қилади? Авваломбор, HTML да ёзилган сайт статик холда бўлса, замонавий сайтлар динамик кўринишга эга.

Оддий сайт қандай принцип асосида ишлашини кўриб чиқамиз. Фойдаланувчи бирор-бир, масалан, page.html саҳифасига мурожаат қилди дейлик. Web-сервер ўзидаги Web-саҳифалар каталогини кўриб чиқади ва агар page.html бўлса фойдаланувчига уни кўрсатади, Акс холдаэса - 404-чи хабарни ("Файл топилмади") етказади.

Динамик сайт эса бироз бошқача ишлайди. Фойдаланувчи бирор саҳифага мурожаат қилади, бироқ бу мурожаат дискдаги аниқ бир файлга эмас, балки сайт движокига (агар движок PHP тилида ёзилган бўлса, одатда бу файл index.php бўлади) каратилган бўлади. Движок фойдаланувчига керакли маълумотни бирор манбадан (масалан, маълумотлар базаси ёки дискдаги файлдан) олади, уни HTML-саҳифага айлантиради ва web-серверга узатади, у эса ўз навбатида, фойдаланувчи браузерига жўнатади.


Унда яна бир савол туғилади: агар битта файлнигина сўраб, уни браузерга узатиш мумкин бўлса, бунча мураккаблаштиришнинг ўзи нимага керак? Шунинг учунки, бу сайтни бошқариш қулай бўлсин. Айтайлик, сиз 100 саҳифалик (бу унчалик кўп эмас) оддий сайт яратдингиз. Эртами-кеч сиз бу сайт дизайнини, кўринишини ўзгартирмокчи бўласиз. У холда эса сиз шу 100 саҳифани кўлда ўзгартириб чиқишингизга тўғри келади. Устига-устак, сиз аввалига бу 100 саҳифани компютерингиздаги локал серверга юклаб олишингиз, ундан сўнг тахрирлаб, керакли ўзгартиришларни киритишингиз ва охирида яна серверга юклашингиз керак бўлади.



Veb-serverning CMS siz holda qanday ishlashi

Ана энди динамик сайт қандай ишлашини кўриб чиқайлик. Асосий воқеа - "HTML-саҳифани яратиш". Яъни движок контентни - матнли маълумотни (у расм ва жадваллар билан ҳам бўлиши мумкин) олади ва уни дизайнга "кийинтиради". Демак, сайтнинг дизайнини ўзгартириш учун сиз фақатгина тайёр график мавзуни ўрнатишингиз ёки бир-иккита файлни - сайт шаблони файллаини ўзгартиришингиз керак.

CMS тизими саҳифаларни динамик кўринишга келтиради: улар фойдаланувчи саҳифани кўрмоқчи бўлгандагина амалда яратилади. Бу дегани, саҳифалар фойдаланувчи томонидан бевосита кўрилаётганда янгиланиши ёки ўзгартирилиши мумкин.



Veb-serverning CMS bilan qanday ishlashi

CMS афзалликлари

Бу тизимларнинг асосий жихати шундаки, динамик web-саҳифаларни осон ярата олиш ва уларни турли хил ахборот билан тўлдириш имкониятини беришдир. CMS тизимлари одатда мураккаб бўлиб, улар ўз ичига хабарларни тарқатиш хизматлари (RSS), форумлар ва интернет-дўкониларни олади. Шу билан бирга, уларни ўзгартириш ҳам осон. CMS нафақат сайтдаги турли маълумотларни бошқаришни автоматлаштиради, балки шу билан бирга, сайт тузилишининг техник томонлари билан таниш бўлмаганлар, яъни ёзувчи ва журналистларга сайтда ўз материалларини бевосита фойдаланувчи интерфейси орқали қўшиш имкониятини беради. Шу нарса тушунарли бўлдики, энди фойдаланувчиларга сайтда ўз материалларини кўриш учун HTML ни ҳам, сайтдаги маълумотлар янгиланишининг технологиясини ҳам билиши шарт эмас.

CMS тизими, шунингдек, Web-сайт яратишни турли хил мутахассислар орасида тақсимлаб чиқиш имкониятини беради. Шунга кўра, Web-дизайнер ўз диққатини сайтнинг кўринишига (дизайнни мукамаллаштириш ва шаблонларни ўрнатишга) қаратса, техник йўналишда бўлмаган мутахассислар уни маълумотлар (матн, тасвир ва аниматсиялар) билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Маълумки, движок - CMS нинг бир қисми холос. У дизайн шаблони асосида сайт маълумотларини чиқариб беради. Бундан ташқари, CMS да сайтдаги маълумотларни бошқариш (улар сайт бўлимларини ва категорияларини яратишга ва маълумотларни улар орасида бўлиб чиқишга имкон беради) ва бу маълумотларни тахрирлаш воситалари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, фойдаланувчи сайт маълумотлари айнан каерда (маълумотлар базасида, дискда HTML-файл кўринишида ёки умуман ташки серверда) сақланаётганини билиши шарт эмас.

CMS қўлланилиши билан кўпгина қийинчиликлар бартараф этилиши мумкин. Юқорида мисол сифатида кўрилган сайт харитаси ҳам автоматик равишда тузилади, бунинг учун фойдаланувчидан ҳеч қандай меҳнат талаб

этилмайди. Шу билан бирга, CMS сайтдаги қўшимча функцияларни, масалан, суратлар галереяси ёки рўйхатдан ўтиш ойнасини қўллаш имконини беради - шу каби функциялар CMS кенгайтмалари орқали амалга оширилади. Фақатгина у ёки бу кенгайтмани ўрнатиш керак холос.

CMS га ўтишнинг ўзига хос қийинчиликлари


CMS ларнинг шунча афзалликлари бўлганда нима учун барча сайт эгалари Joomla! ёки Drupal каби CMS ларга отишга интилмаяпти? Бунга бир қанча сабабларни кўрсатиш мумкин. Биринчи сабаб, инертсия бўйича кетиш ёки бошқача айтганда, ўзи билган нарсага ўрганиб қолиш. Инсон HTML ни ишлатишга ўрганиб қолади ва CMS га ўтиш сайтни бошқаришни автоматлаштириш бўйича қанча қулайликлар келтирмасин, бирор нарсани ўзгартиришни хохламайди. HTML дан CMS га ўтиш-йиллар ичида амалга ошиши мумкин.

Иккинчи сабаб, мавжуд минглаб HTML-саҳифаларни CMS маълумотлар базасига мослаб ўзгартириш керак бўлади. Аксарият холларда буни кўлда бажариш керак бўлади. Катта сайт учун бу жараён анча кўп вақтни олади, бу эса сайтни вақтинчалик фаолиятининг тўхташига ва балки, компания томонидан кўриладиган молиявий зарарга олиб келади. Албатта, CMS га ўтиш сайтни бошқариш бўйича анча вақт тежалишини ҳисобга олса, келажакда бу ўзини оклайди.


Энди, CMS га ўтишга халакит берувчи фақатгина битта тўсик қолади - техник холат. Деярли барча замонавий CMS ишлаши учун хостингда PHP интерпретатори ва MySQL маълумотлар базаси сервери бўлиши керак. Беш-олти-йил аввал шу каби функцияларни тақдим этувчи хостинг-провайдерлар кам эди. Хозирга келиб, вазият яхши тарафга ўзгарди ва PHP ҳамда MySQL ни коллайдиган хостингни Ўзбекистоннинг ўзида топиш қийинчилик туғдирмайди.

2.3. CMS технологияси - Joomlaда сайт яратиш


CMS технологияларидан бири бўлган Joomlaда сайт яратиш учун дастлаб виртуал сервер Denwer ни ўрнатамиз. Ундан сўнг хосил бўлган Z дискка кириб ичидаги home папкасига сайт номи остида папка очамиз, унинг ичига WWW папка очамиз ва уни ичига Joomla сайтини ташлаймиз ва браузердан сайтимизни чақирамиз. Бу ойнада ўрнатиш тилини танлаб олдинга тугмаси босилади. Кейинги хосил бўлган ойнамизда эса текшириш ишлари бошланади. Танишиб бўлгач олдинга тугмаси босилади.




Ушбу ойнада эса литцензия хақида маълумот берилади. Сўнгра олдинга тугмаси босилади.




Қуйидаги ойнада эса маълумотлар базасининг тузилиши киритилади. Бизни холатимизда у MYSQL базаси бўлиб хостнинг ва фойдаланувчининг номи берилган. Охириги қисмда эса база номи киритилади. Шунинг учун янги база яратамиз:




Навбатдаги ойнада MySQL базасининг ойнаси берилган бўлиб янги база номига ажойиб деб ёзамиз ва яратиш тугмаси босилади. Сўнгра юқоридаги ойнада олдинга тугмаси босилади.




Ушбу ойна эса ўзгаришсиз колдирилиб олдинга тугмаси босилади..




Куйидаги ойнада эса сайтнинг номи, почта манзили ва пароль такроран киритилади. Сўнгра Демо вариантыни ўрнатиш тугмаси босилади.



Сўнги ойна куйидагича бўлиб унда инсталлитсион папкасини ўчириб ташлаш кераклиги кўрсатилган. Айтилган папкани ўчириб бўлгач сайт тугмаси бослади ва жараён якулланади.



Сайтнинг администратор ойнаси қуйидагича бўлиб у 7 бўлимдан иборат.



Site бўлимида бошқарув панели, фойдаланувчиларни бошқариш, глобал конфигурация ва панелдан чиқиш бўлимлари жойлашган.

Menu бўлимида сайтнинг барча қисмидаги менюларни бошқариш имконияти мавжуд:

#	Title	Type	Menu Item(s)	# Published	# Unpublished	# Trash	# Modules	ID
1	Main Menu	mainmenu		25	12	1	1	1
2	User Menu	usermenu		4	-	-	-	2
3	Top Menu	topmenu		4	-	-	1	3
4	Resources	othermenu		7	-	-	-	4
5	Example Pages	ExamplePages		4	-	-	-	5
6	Key Concepts	keyconcepts		3	-	-	-	6

Content бўлимида эса сайтга янгилик ва мақолалар қўшиш уларни ўчириш, нушасини хосил қилиш, бош саҳифадаги элонларни ўзгартириш мумкин.

Article Manager

Unarchive Archive Publish Unpublish Move Copy Trash Edit New Parameters Help

Filter: - Select Section - - Select Category - - Select Author - - Select State -

#	<input type="checkbox"/>	Title	Published	Front Page	Order	Access Level	Section	Category	Author	Date	Hits	ID
1	<input type="checkbox"/>	Кишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	About Joomla!	competitive price	Administrator	08.05.14	29	49
2	<input type="checkbox"/>	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	About Joomla!	Eenvionment care	Administrator	08.05.14	33	48
3	<input type="checkbox"/>	Кишлоқ хўжалиқини механизациялаш	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	About Joomla!	exoeellent result	Administrator	08.05.14	49	47
4	<input type="checkbox"/>	Kollejimiz hayoti	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	Haqida	about	Administrator	04.02.14	5	55
5	<input type="checkbox"/>	Фарғона туман Агроеанот касб-хунар коллежи	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	Slideshow	Slideshow	Administrator	07.05.14	70	54
6	<input type="checkbox"/>	Curabitur imperdiet volutpat urna	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	2	Public	Slideshow	Slideshow	Administrator	09.06.10	51	52
7	<input type="checkbox"/>	АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	3	Public	Slideshow	Slideshow	Administrator	09.05.14	75	51
8	<input type="checkbox"/>	Абитуриентлар Учун Маълумот	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	4	Public	Slideshow	Slideshow	Administrator	09.05.14	53	50
9	<input type="checkbox"/>	Агроеанот мақмуаси иқтисодieti	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	1	Public	Янгиликлар	Сунги янгиликлар	Administrator	12.05.14	100	1
10	<input type="checkbox"/>	Тахсил олаётган ўтувчилар	<input checked="" type="checkbox"/>	<input checked="" type="checkbox"/>	2	Public	Янгиликлар	Сунги янгиликлар	Administrator	11.05.14	11	45

Components бўлимида баннер, қидирув, овоз бериш, web link лар ва боғланиш бўлинмалари жойлашган. Кўришиб турибдики бу бўлимда юқорида кўрсатилганларни бошқариш ўзгартириш имконияти мавжуд.

Contact: [Edit] Save Apply Close Help

Details

Name:

Alias:

Published: No Yes

Category:

Linked to User:

Order:

Access Level:

ID: 1

Information

Contact's Position:

E-mail:

Street Address:

Town/Suburb:

State/County:

Parameters

Contact Parameters

Name Hide Show

Contact's Position Hide Show

E-mail Hide Show

Street Address Hide Show

Town/Suburb Hide Show

State/County Hide Show

Postal/Zip Code Hide Show

Country Hide Show

Telephone Hide Show

Mobile Phone Number Hide Show

Fax Hide Show


Web URL Hide Show

Miscellaneous Information Hide Show



Contact Image Hide Show

vCard Hide Show

Extensions бўлимида ўрнатиш ва ўчириш, модулларни бошқариш, плагинларни бошқариш, template ларни бошқариш ва тил берилишини ўзгартирилади.






Language Manager




Default Help

[Site](#) | [Administrator](#)





#	Language Name	Default	Version	Date	Author	Author E-mail
1	 English(United Kingdom)		1.5.15	2009-10-27	Joomla! Project	admin@joomla.org
2	 Uzbek (Uzbekistan)		1.5.1	2010-09-09	Wicked	OpenSource@wickedwebdesigner.com

Display # all

Tools бўлимида келган хабарларни ўқиш , ёзиш ва улар устида турли ишлар олиб боориш мумкин.



Mass Mail



Send mail Cancel Parameters Help

Details

Mail to Child Groups:

Send in HTML mode:

Group:

- All User Groups -
- Public Front-end
- Registered
- Author
- Editor
- Publisher
- Public Back-end
- Manager
- Administrator
- Super Administrator

Recipients as BCC.


Adds copy to site e-mail.:

Message

Subject:

Message:

Help сўнги бўлимида Joomla хақида маълумот ва унинг қандай қўлланилиши борасида маълумотлар келтирилган.



Alphabetical Index

- Article Manager
- Article Manager - New/Edit
- Banner Category Manager
- Banner Category Manager - New/Edit
- Banner Client Manager
- Banner Client Manager - New/Edit
- Banner Manager
- Banner Manager - New/Edit
- Category Manager
- Category Manager - New/Edit
- Clean Cache
- Contact Category Manager
- Contact Category Manager - New/Edit
- Contact Manager
- Contact Manager - New/Edit
- Content Category Manager
- Content Category Manager - New/Edit
- Control Panel
- Credits
- Extension Manager - Install
- Frontpage Manager
- Global Check-in
- Global Configuration
- Glossary
- Language Manager
- Mass Mail Users

What's New in Version 1.5

The following outlines the highlights of the second major release of Joomla!

As with previous releases, Joomla! provides a unified and easy-to-use framework for delivering content for websites of all kinds. To support the changing nature of the Internet and emerging web technologies, Joomla! required substantial restructuring of its core functionality and we also used this effort to simplify many challenges within the current user interface. Joomla! 1.5 has many new features.


The goals for the Joomla! 1.5 release are to:

- Substantially improve usability, manageability, and scalability far beyond the original Mambo foundations.
- Expand accessibility to support internationalisation, double-byte characters and Right-to-Left support for Arabic and Hebrew languages.
- Extend the integration of external applications through Web Services and remote authentication such as the Lightweight Directory Access Protocol (LDAP).
- Enhance the content delivery, template and presentation capabilities to support accessibility standards and content delivery to any destination.
- Achieve a more sustainable and flexible framework for component and extension developers.
- Deliver backwards compatibility with previous releases of components, templates, modules and other extensions.

What are "extensions"?

Components, languages, modules, plugins and templates are now collectively known as **Extensions**.

Help бўлимининг таркибида яна бир information бўлими бўлиб сервер системиаси хақида маълумот беради.



Firefox

Agrosanoat kasb-hunar kolleji - Admi... x +

Назад Вперед agro.com/administrator/index.php?option=com_admin&task=sysinfo Обновить Остановить Яндекс Домой

Часто посещаемые Начальная страница Закладки

Joomla! Agrosanoat kasb-hunar kolleji

Version 1.5.18

Site Menus Content Components Extensions Tools Help Preview 0 1 Logout

Information

System Info PHP Settings Configuration File Directory Permissions PHP Information

System Information

Setting	Value
PHP Built on:	Windows NT 001-◆◆ 6.1 build 7601
Database Version:	5.0.45-community-nt
Database Collation:	utf8_general_ci
PHP Version:	5.2.4
Web Server:	Apache/2.2.4 (Win32) mod_ssl/2.2.4 OpenSSL/0.9.8d PHP/5.2.4
Web Server to PHP interface:	apache2handler
Joomla! Version:	Joomla! 1.5.18 Stable [wojnamni ama wojnaki] 27-May-2010 18:00 GMT
User Agent:	Mozilla/5.0 (Windows NT 6.1; rv:13.0) Gecko/20100101 Firefox/13.0.1

Joomla! is Free Software released under the GNU/GPL License.


Configuration.php

```
<?php
class JConfig {
/* Site Settings */
var $offline = '0';
var $offline_message = 'В настоящее время сайт закрыт на техническое
обслуживание.<br />Пожалуйста, зайдите позже.';
var $sitename = 'Agrosanoat kasb-hunar kolleji';
var $editor = 'tinymce';
var $list_limit = '20';
var $legacy = '0';
/* Debug Settings */
var $debug = '0';
var $debug_lang = '0';
/* Database Settings */
var $dbtype = 'mysql';
var $host = 'localhost';
var $user = 'root';
var $password = "";
var $db = 'agro1';
var $dbprefix = 'jos_';
/* Server Settings */
var $live_site = "";
var $secret = 'KVsfmoigJ2n6AXec';
var $gzip = '0';
var $error_reporting = '-1';
var $helpurl = 'http://help.joomla.org';
var $xmlrpc_server = '0';
var $ftp_host = '127.0.0.1';
```


```
var $ftp_port = '21';
var $ftp_user = "";
var $ftp_pass = "";
var $ftp_root = "";
var $ftp_enable = '0';
var $force_ssl = '0';
/* Locale Settings */
var $offset = '0';
var $offset_user = '0';
/* Mail Settings */
var $mailer = 'mail';
var $mailfrom = 'admin@mail.ru';
var $fromname = 'Agrosanoat kasb-hunar kolleji';
var $sendmail = '/usr/sbin/sendmail';
var $smtpauth = '0';
var $smtpsecure = 'none';
var $smtpport = '25';
var $smtpuser = "";
var $smtppass = "";
var $smtpghost = 'localhost';
/* Cache Settings */
var $caching = '0';
var $cachetime = '15';
var $cache_handler = 'file';
/* Meta Settings */
var $MetaDesc = 'Joomla! - the dynamic portal engine and content management
system';
var $MetaKeys = 'joomla, Joomla';
var $MetaTitle = '1';
var $MetaAuthor = '1';
```

```
/* SEO Settings */
var $sef      = '0';
var $sef_rewrite = '0';
var $sef_suffix = '0';
/* Feed Settings */
var $feed_limit = 10;
var $feed_email = 'author';
var $log_path = 'Z:\\home\\agro.com\\www\\logs';
var $tmp_path = 'Z:\\home\\agro.com\\www\\tmp';
/* Session Setting */
var $lifetime = '15';
var $session_handler = 'database';
}
?>
```

Yakuniy oyna esa quyidagicha ko'rinishda bo'ladi:








[БОШ САХИФА](#) [БИЗ ХАКИМИЗДА](#) [ЯНГИЛИКЛАР](#) [БИЗ БИЛАН АЛОКА](#)



←

Фаргона туман Агросаноат касб-хунар коллежи
Фаргона туман Агросаноат касб-хунар коллежи





1. Коллежда тахсил олаётган ўқувчиларнинг жами сони,булардан кизлар сони канча.
Жами ўқувчилар сони 1316 тани ташкил этади ,булардан 620 таси кизлар.

2. Фаргона тумани агросаноат касб-хунар коллежига бириктирилган мактаблар. 6-22-24-26-27-29-9-33-56 умум таълим мактаблар бириктирилган

3. Фаргона тумани агросаноат касб –хунар коллежига 9- синф битирувчилардан тушган арисалар сони 6 мактаб- 90 та,22 мактаб-60 та, 24 мактаб -73 та, 26 мактаб 86 та, 27 мактаб -9 та,29 мактаб -58 та, 33 мактаб- 40та, 56 мактаб- 45 та. Жаммаси бўлиб 461 та

4. 2012 йил битирувчи ўқувчилар сони.
Битирувчилар сони 267 та


12 May 2014
Агросаноат мажмуаси иктисоодиёти "Агросаноат мажмуаси иктисоодиёти"...

12 May 2014
Битирувчиларини камраб олиш тартиби
Фаргона вилояти Фаргона тумани...


12 May 2014
Агросаноат интеграцияси
Агросаноат интеграциясининг...

11 May 2014
Тахсил олаётган ўқувчилар
1. Коллежда тахсил олаётган...


Коллеж ҳаётидан лавҳалар




Хозир 2 мەҳмонлар онлайн




интернет



архитектура



графика



хизматлар

Фойдали сайтлар

- › ziyonet.uz
- › referat.uz
- › kitob.uz
- › daryo.uz
- › www.uz

Ижтимоий сайтлар

- › UzFacebook.uz
- › Muloqat.uz
- › Sinfidosh.uz
- › Suhbatdosh.uz
- › Drug.uz

“ Agrosanota kasb-hunar kolleji

- › Tel: 226-94-05
- › Address: Farg'ona Vodil yo'nalishida
- › E-mail: agrosanoat@inbox.uz

Admin: Халимов Акбаржон
Tel: +998903026923
Address: Фаргона шаҳар
Website: <http://www.uzfacebook.uz>
Email: beruniy610@inbox.uz

IV. ТАДБИК ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЛОЙИХА САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Web сайтлардан фойдаланишнинг самарадорлиги

Бугунги кунда интернет ва унда фойдаланиладиган web сайтлар жамиятимизнинг барча сохаларига Чуқур кириб борган. Хусусан таълим, тижорат, саёхат ва бошқа бир қатор йўналишларда web сайтларнинг ўрни бекиёсдир. Бундан ташқари давлат бошқарув органларининг ҳам электрон ҳукумат шаклига ўтиши интернетнинг кай даражада қулай ва самарадорлигини тасдиқлайди.



Кишлоқ хўжалигини механизациялаш

Мутахассислиги: Кишлоқ хўжалиги машина ва хизматларини ишлатиш
[Давоми... »](#)



Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш

Мутахассислиги: Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник
[Давоми... »](#)



Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Мутахассислиги: Чорвачилик ва мева сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишлаш
[Давоми... »](#)



Енгил саноат маҳсулотлари технологияси

Мутахассислиги: Тикув ва тикув трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси
[Давоми... »](#)

Фаргона туман Агросаноат касб-хунар коллежи

07.05.2014 22:46 Администратор



Лойиҳа самарадорлиги шундан иборатки коллеж ўқувчиси бевосита уйда туриб коллеж ўқув материалларидан фойдаланиши, ўзини қизиқтирган янгиликлар билан танишиши ва коллеж раҳбарияти билан тезкор алоқа ўрнатиши мумкин. Web сайт масофавий таълимнинг асосини ташкил қилади.

Haqida

Kollejimiz hayoti

04.02.2014 17:14 Администратор

Коллеж ходимлари



1. Д. Орипова -Маънавият маърифат буйича директор уринбосари
2. М.Екубова -коллеж услубчиси
3. Г.Каюмова- ходимлар булими
4. Ф.Тешабоева-ЗХМ-дастурчиси
5. Х.Файзуллаев- ЗХМ-оператори
6. И.Носиров-ЕЧТ рахбари
7. Ф.Мирюсупова-психолог
8. С.Нуралиева-хамшира
9. А.Саложиддинова-хотин кизлар кумитаси раиси
10. Т.Алижонов-булим бошлиги.
11. К.Бобожонов -коллеж директори

Янгиланди 16.05.2014 13:17

Бундан ташқари сайтнинг янада қулайлик тарафи шундан иборатки унинг қуйи қисмида талим жараёнида кенг қўлланиладиган сайтларга бевосита *silka* лар берилган. Шунингдек коллеж манзили боғланиш учун телефон рақамлари ва почта манзиллари келтирилган.



интернет



архитектура



графика



хизматлар

Foydali saytlar

- › [ziyonet.uz](#)
- › [referat.uz](#)
- › [kitob.uz](#)
- › [daryo.uz](#)
- › [www.uz](#)

Ijtimoiy saytlar

- › [UzFacebook.uz](#)
- › [Muloqat.uz](#)
- › [Sinfdoz.uz](#)
- › [Suhbatdoz.uz](#)
- › [Drug.uz](#)

“Agrosanota kasb-hunar kolleji”

- › Tel: 226-94-05
- › Address: Farg'ona Vodil yo'nalishida
- › E-mail: agrosanoat@inbox.uz

Admin: Akbarjon Halimov
Tel: +998903026923
Address: Ferghana city
Website: <http://www.uzfacebook.uz>
Email: akbarjon@inbox.uz

Шунингдек web сайтлар орқали коллеж ўқувчилари турли фанлар хусусан ўз мутахасисликлари бўйичи online имтихонларни топширишлари мумкин. Албатта бунинг учун қўшимча интерактив дастурларни сайтга юклаш зарур.

3.2. Web сайтларнинг бугунги кундаги зарурияти

Хозирги кунда келиб дунё бўйича ва Ўзбекистон бўйича Интернетдан фойдаланувчилар сони ортиб бормокда. Интернетни турли хизматларидан фойдаланилмокда. Бу матнли мултимедиа хизмати, гиперсилкалар орқали ишлайди, оддий қилиб айтгандан web-сайт дир. Хозирги кунда web-сайтларни саноғи йук. Ўзбекистонда яни .uz доменида 1 млн ошиқ ошиқ сайт рўйхатдан ўтган. Улар оддий шахслар, компаниялар, кўшиқчилар, шоу-бизнес олами вакилари ва турли соҳаларда хизмат кўрсатадиган сайтлардир.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг деярли барчаси ўз расмий web сайига эга. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эса бу кўрсаткич 60% ни ташкил қилади. Албатта бу натижалар кун сайн ўсиб бормокда.

Web сайтларга бўлган бугунги кундаги зарурият анча юқори. Сайтлар нафақат таълим балки тижорат масалан интернет магазинлар , реклама, саёхат агентликлари , ижтимоий тармоқлар учун ҳам жуда зарур. Мисол учун сиз бирон давлатга саёхатга отландингиз. Шунда сиз интернет орқали манзилингиз хақида тўлиқ маълумот олишингиз, саёхат агентликларини танлашингиз, меҳмонхоналардаги шароитлар билан танишишингиз мумкин. Бу эса хар томонлама сизга ёрдам демакдир.

Бундан ташқари президентимизнинг ушбу қарори фикримни исботлайди.

¹Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш тўғрисида" 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармониға мувофиқ Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари, жамоат бирлашмалари томонидан таълим ва ёшларни маънавий-ахлокий тарбиялаш соҳасида ахборот-коммуникатсия технологиялари ҳамда хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадға йўналтирилган ишлар олиб борилмокда.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Миллий ахборот-излаш тизимини яратиш, ижтимоий-маданий йўналишдаги ахборот ресурсларини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатнинг барча олий таълим муассасаларини ягона ахборот тизимига бирлаштирган корпоратив компьютер тармоғи ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларида ўқув компьютер синфларини ташкил қилиш Дастури амалга оширилмоқда.

Кейинги уч йил ичида умумтаълим мактабларидаги шахсий компьютерлар сони 1,11 баравар кўпайиб, 59,4 мингтага этди, коллежлар ва лицейларда уларнинг сони деярли икки баравар ошди. Таълим муассасаларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига, шу жумладан интернетга улаш ишлари амалга оширилмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республикада интернет тармоғига жамоа бўлиб уланиш пунктларини ташкил этиш дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда интернет-кафелар сони кейинги уч йил мобайнида 20 баравардан ортиқроқ кўпайди ва 493 тага этди.

Шу билан бирга республикада таълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларини тизимга солувчи ягона ахборот тармоғи мавжуд эмас.

Миллий ижтимоий-сиёсий, илмий-таълим ва маданий-маърифий ахборот ресурсларининг етарлича бойитилмаганлиги, уларнинг ишлашини таъминлашда тизимлиликнинг йўқлиги ёшлар ўртасида хорижий ахборот интернет-сайтлари тарқалишига имконит яратмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси миллий телекоммуникатсия тизимида ўқув-таълим, илмий, ёшлар ҳамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бирлаштирувчи ягона ахборот-ресурс майдончага эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғини шакллантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакат мактаблари, лицейлари, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-ехтиёжларини

хар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона "ZiyoNET" ахборот тармоғига бирлаштириш ва тизимлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар "ZiyoNET" тармоғининг асосий вазифалари этиб белгилансин: ёшлар учун: уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга; ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий кадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлашга; фаол ҳаётий мавқега эга бўлган баркамол шахсни вояга етказишга қаратилган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жихатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тахлилий, маънавий-маърифий, илмий-таълим ҳамда бошқа ахборотдан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар хил спорт турларини оммалаштириш;

республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усулларини, бошқа ахборот-коммуникатсия хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Арипов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р.Косимов) ва Халқ таълими вазирлиги (Т.Жўраев): бир ой муддатда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш "O'zinfocom" маркази таркибида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги хузуридаги бўлимлари билан иловага* мувофиқ "ZiyoNET" тармоғининг Ресурс марказини ташкил этсинлар; шу йилнинг охиригача "ZiyoNET" тармоғининг Ресурс марказини тегишли ихтисосдаги юқори малакали ходимлар билан таъминласинлар;

"ZiyoNET" тармоғини шакллантириш ва ривожлантиришни, шунингдек Ресурс маркази ва бўлимларининг тармоқ ахборот ресурсларини мунтазам суратда жамлаш ва янгилаш борасида самарали фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

Белгилансинки, "ZiyoNET"нинг коммуникатсия тармоғини ҳамда техник базасини ривожлантириш учун жавобгарлик Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига, "ZiyoNET" тармоғи ахборот ресурсларининг мазмунини шакллантириш учун жавобгарлик Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазириликлари зиммаларига юкланади.

4.Қуйидагилар белгилансин:

мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан интернет тармоғига улаш фақат "ZiyoNET" тармоғи орқали амалга оширилади;

"ZiyoNET" тармоғи ахборот ресурсларини шакллантириш ЎзАААнинг Оммавий коммуникатсиялар соҳасидаги мониторинг маркази билан ҳамкориликда амалга оширилади;

"ZiyoNET" тармоғидан фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан интернет тармоғининг ахборот ресурсларига

кириши уларнинг ЎзАААнинг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинги маркази томонидан белгиланаган рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади; шахсий домен номларни рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини "ZiyoNET" тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, электрон почта хизматлари мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлири, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасалардаги фойдаланувчиларга бепул кўрсатилади.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Арипов):

уч ҳафта муддатда Миллий ахборот-излаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ҳисобга олган ҳолда, агрессив интернет-контентдан муҳофаза қилиш воситаларини ўз ичига олган зарур дастурий таъминот билан "ZiyoNET" тармоғи Ресурс марказининг ягона технологик майдончасини яратиш чора-тадбирларининг комплекс режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; бир ой муддатда "ZiyoNET" тармоғининг Ресурс маркази тўғрисидаги Низомни, ахборот ресурсларини таснифлаш Миллий рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни, жамоа ва яқка тартибда фойдаланувчиларни "ZiyoNET" тармоғига улаш бўйича операторлар ҳамда провайдерларга нисбатан техник талаблар ва шартларни, шунингдек балоғатга этмаган фарзандлари бўлган яқка тартибдаги фойдаланувчиларни тармоққа улашнинг имтиёзли пакетини жорий этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1* - Ўзбекистон Республикаси президентининг 28.09.2005 й. пк-191 Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида

V. МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ

4.1. Замонавий техника жойлашган хонага талаблар

Хонани шифти оқ кўк фон билан оқланиши ва деворлари эса яшил рангга оқланиши керак. Бу ранглар офтоб нурланишини бизга ранг иклимини яратиб беради. Хоналарга кўйилган талаблар ишчи мухит ишчининг (оператор) иш жойи ташки мухит факторлари йиқиндиси бўлиб улар куйидаги ишлардан иборат: физик, химик, биологик, ахборот, социал-психологик ва эстетик факторлар ташки мухит хоссалари бўлиб операторга таъсир этади. Ишчи мухит турлича бўлиши мумкин: иш жойида хаёт фаолиятини таъминловчи воситалар операторнинг талаб этилган меҳнат қобилияти шароитини ҳосил қилади ва уни ноҳуш факторлар таъсиридан ҳимоя қилади.

Ходимлар самарали фаолият кўрсатиш учун шароит яратиш ва техник воситаларни ишлаш учун хоналар ёруғ, тоза, товуш ва тебранишдан изолясияланган ҳолатда лойихаланади. Шкаф ва деворлар товуш ютувчи плиткалар билан қопланиши мақсадга мувофиқдир. Хона ҳарорати оптимал ҳароратда 21-23⁰ С да оптимал намлик 40-60 %, чанг концентрасияси 0,2 Мг/м³ дан ва чанг максимал заррача ўлчаш 3 Мк дан ошмаслиги лозим. Хоналарда бундай шароитни ушлаб туриш мақсадида, хоналарни ҳаво алмаштириб туриш кўзда тутилади.

Операторнинг ишчи жойини ташкил этиш

Операторнинг узок вақт давомида монитор ортида ўтириши натижасида кўриш апаратининг зўриқиши, ишдан қоникмаслик, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши чарчок ва кўз, бўйин, бел, кўларда оғриғлар сезила бошланади. ЭХМ операторининг иш жойи дейилганда техник манбалар ва ёрдамчи қурилмалар билан жиҳозланган конкрет ишлаб чиқариш масаларни ечишга мўлжалланган "оператор -одам" иш фаолияти билан шуғулланадиган ҳудуд тушинилади.

Иш жойни меҳнат хавфсизлиги коидалари ва стандартлар талабларига мос равишда жихозлаш керак. Иш жойи элеменларини жойлаштиришда куйдагиларга эътибор бериш керак : оператор одамнинг ишчи позаси операторга керакли каракатларни амалга оширувчи жой оператор ва ускунани боғловчи жисмоний, кўриш ва эшитиш алоқаси.ишчи жойидан ташқарини кўриш имконияти ёзиш ҳамда оператор томонидан ишлатиладиган хужжатларни сақлаш имконияти ускунанинг ташки ва конструктив кўринишини жихозлаш минимал чарчаш учун шароит яратади. Иш мебеланинг конструкцияси ГОСТ 12.2.032-78(9), ГОСТ 2226976(10) талабларига мос тушувчи ишчининг бўйига қараб созланадиган ва қулай озада турадиган бўлиши керак. Операторнинг иш жойини тўғри ташкил этилганида унинг меҳнат унумдорлиги 8-20% ошади. Компютер ўрнатиладиган хонага компютер сонига қараб туриб қуйидаги талаблар қўйилади: ахборотлаштириш, бу тингловчиларни ёки ишловчиларнинг компютерда назарий ва амалий машкулотлар ўтказиш билан бажарилади. Шунинг учун компютер хонасида 2 тадан 5 тагача компютер ўрнатилиши мумкин. Шунинг учун компютер хонасини ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак (3х6х2,8 м).

Стол ва стулларга талаблар

Компютер хонасида стол ва стулларга талаблар мавжуд бўлиб стол баландлиги ердан 68-77 см бўлиб, стуллар эса айланувчан бўлиши керак ва оркасида суянчиқи бўлиши керак. Чунки стол стуллар ўз габарити билан тўғри келмаса фойдаланувчи тезда чарчаб қолади. Стол ва стуллар шундай жойлаштирилиши керакки, улар инсонларга туриб юришга халакит бермаслиги керак. Бундан ташқари, операторлар бемалол қар бир операторлар олдида бориб бирга ишлай олиши керак.

Иш жойининг конструктивиги ва элеменларининг жойлашинуви (ўтиргичлар, ахборотнинг кўрсатиш, бошқариш органлари) антропометрик,

физиологик ва психологик талабларга ҳамда ишнинг характерига тўғри келиши керак.

Шундай конструкцияланган иш жойи мотор майдонидан ташқаридаги бажарилиши қийин бўлган операсияларни бажариш имконини беради. Ахборотнинг кўрсатиш манбалари бу холда ЭХМ нинг дисплейи SNIIP 2.01.02-85 (5)га тўғри келади. Кўзга тушаётган нагрукани камайтириш учун дисплей оптимал ўрнатилиши керак, дисплейнинг тепа бурчаги кўз билан бир текисликда бўлиши керак, экрангача масофа 28-60 см бўлиши керак. Экранинг милтилаши мил>70 Гц бўлиши керак.

Антропометрик мос тушиши операторнинг иш бораётган вақтда фазода, кенгликда тананинг жойланиши имконияти ва турли позани эгаллаши назарда тутилади. Бу масалани хал қилиш учун биринчи навбатда бошқариш пулти асбобларидан операторнинг оёки бориб етадиган зона аниқланади. Бу мос келишини таъминлаш қийинчилик билан эришилади, чунки хар бир кишининг антропометрик кўрсаткичлари турлича. Ўрта бўйли кишини кониктирган ўриндик, баланд ёки паст бўйли бўлган кишига ноқулай бўлиши мумкин.

Хавфсиз фаолият кўрсатиш мақсадида инсон танаси ўлчамлари қуйидаги холатларда хисобга олинади:

- полдан ёки иш майдонидан, машиналар ишлашини назорат қилиш, тўғрилаш зонаси, сигнализасия ва назорат асбобларига бўлган сатхни оптимал баландлигини ўлчашда.
- баландликда кўлда бошқариладиган машиналар фронтини жойлаштиришда, айникса авария органларининг пухта жойлаштиришда.
- бошқариш органларини шакли ва ўлчамларини танлашда.

Машиналарни лойихалашда инсон антропометрик кўрсаткичларни тўғри танлаш учун узини топография қилиш усули ёки моделлаш усули қўлланилади. Ўзини топография қилишда инсон ишчи танасини турли холатларини схематик Конструкциялаш ва ишчи бажарадиган ишлар ва операсиялар билан болаш киради. Моделлаш усулига инсон фигурасини

хажмий ва текисликда моделлаш киради. Инсоннинг антрапометрик куйидагича: ўртача баландлиги 1 метр 72 см, елка кенглиги 39 см, кўллар ёйилмаси 160 см агар бу антропометрик ўлчовлар ҳисобга олинмаса операторлар иш пайтида бир-бирига халакит бериши мумкин. Шунинг учун антропометрик ўлчовларни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Монитордан инсоннинг кўзигача бўлган оптимал масофа

Монитор кўздан озгина пастрокда ва 50 см дан кам бўлмаган масофада жойлашиши керак. Монитор ва кўз орасидаги масофа 80 см гача бўлиши тавсия қилинади, бу масофа кичик бўлса инсоннинг кўзи тез чарчайди. Мониторни дизайни ва рангги ўзига эътиборни жалб қилмаслиги керак. Шунинг учун монитorning сирт томонида ҳар хил реклама ёпиштиргичлар бўлмаслиги керак. Монитorning экрани зангори ва кўк рангларга бўялиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бу ранглар инсон кўзига энг яхши ранглардан ҳисобланади. қисман манитор олдидаги ўтириш хавфсизлики ва камфорт иш жойини рационал ташкил этиш лозим. Фойдаланувчи усул асосий хавфсизлик видеоманитор экран дисплейдан чиқади деб бўлмайди. Энг кучли нурланиш одатда маниторни ён ва орқа томонидан ҳам таркалади. Шунинг учун фойдаланувчи жойини бирнеча компьютер карама-қарши турган жойда ундан ҳам ёмони орқама-кетин жойлаштиришдир. Видеомонитор хиллари орасидаги тавсия этладиган орадаги масофа 2 м дан кам бўлмаслиги ва ён томондаги масофа 1,2 м дан кам бўлмаслиги лозим. Компютерлар жойлашган хона етарли даражада кенг ва доимий равишда хавоси алмашиб туриши керак. Битта дисплей учун минимал стандарт норма 6м ни, минимал ҳажим эса 20 м ташкил этиши керак.

Компютер билан ишлаганда чарчаш сабаблари

Компютер билан ишлаш вақтида инсон қуйидаги факторлардан чарчайди:

- экранинг меъёридан ортиқ ёруғлиги
- контраст ва фон ўртасидаги аниқлиги
- компютерда ишлаш пайтидаги исцикликдан нурланиши
- компютерда нурланишнинг инсонга таъсири
- компютер бузуклиги

Компютердан нурланишнинг олдини олиши учун химоя филтрларидан фойдаланилади.

4.2. Иш жойининг ёритилганлиги

Иш жойини лойихалаш вақтида суъний ва табиий ёритиш масаласи хал қилиниши керак. Ёритиш нафақат ишлаб чиқариш масаларини хал қилиш балки у ишлаётган одамнинг психологик хамда физик ҳолатига тасир кўрсатади. Ишлаб чиқариш жойларидаги рационал ёритганликка қўйилган талаблар :

- " ёруғлик манбаи ва ёритиш тизимини тўғри танлаш.
- " ишлаб чиқариш тепалиглари керакли даражадаги ёриклик даражаси билан таъминлаш.
- " кузни оладиган ёрикликни чеклаш
- " бўликларни йўқотиш, текис ёрикликни ташкилаш
- " ёриклик оқимининг вақтда тебранишин йўқотиш ёки чеклаш

Керакли даражадаги ёритилмаганлик оқибатида ва кўриш ҳолатининг зўриқишида бажарилётган иш давомида кўзнинг чарчаш кучайяди умумий ишлаши ва ишлаб чиқариш унумдорлиги тушиб кетади ва хаттолар сони кўпаяди. Иш жойидаги ёритганлик гигиеник талабларга биниоан меҳнатнинг кўриш шароитларига тўғри келиши керак. ГОСТ 12.01.006-84 (11) га биниоан дисплей билан ишлаш вақтида ёритилганлик 200лк хужжатлар билан ишлаш пайтида 400лк бўлиши керак

Таркатилган ёритишдан, шифтларнинг, деворларнинг, ускуналарнинг оч рангларга бўяш кўланилади. Операторнинг кўриш майдонида ёруғлик майдони бўлса туғри ялтираш, кўриш майдони ичида қайтарадиган ёруғлик текисликлари мавжуд бўлса қайтарувчи ялтираш дейилади. Туғри ялтирашни кўриш майдонидан яркилаган ёруғликни 60 см камайтириш йули билан камайтириш мумкин. Қайтарувчи ялтирашдан эса ёруғликни таркатувчи манбалар ҳамда полировка қилинган текисликлар ўрнига матовий ишлатиш йули билан камайтириш мумкин. Экран мониторидаги бликларни камайтириш учун тасвирни контрастлигини кучайтирувчи ва бликларни камайтиртурувчи экран филтирларидан фойдаланиш керак ёки антиблик копламаси мавжуд мониторлардан фойдаланиш зарур. Ёруғликни турини танлаш мухим масала хисобланади (табий ёки суъний). Таъбий ёруғликдан фойдаланиш кўп камчиликларга эга :

- " ёруғлик тушиши фақат бир томондан
- " ёруғликни вақтда ва хажмда бир хил бўлмаганлиги
- " равшан куёш нурларининг кўзни олиши ва бошқалар.

Суъний ёруғликдан фойдаланиш юқоридаги камчиликларни бартараф этади ва оптимал ёруғлик режимини яратишга ёрдам беради. лекин ойналарсиз иншотлардан фойдаланиш инсонларда ўзига ишончсизлик ва уялувчанликни келтириб чиқаради. Туғри ёруғлик узатишни ташкил етиш учун куёш нурларига яқин суъний ёруғликни танлаш керак.

4.3. Ёруғлик оқимини фойдаланиш коэффитсиенти усули ёрдамида Суний ёритишни хисоблаш.

1. Топширик:

Эни А м ва (бўйи) В м бўлган цехнинг люминестсент лампалар билан умумий ёритилганлигини хисоблаш: оқланган шифт бўйи Нм Rp = 70% деворлар очик рангда ойналарга никобланмаган Rs=50% Чанг, тутун курунларнинг кам чиқиши билан. Меёр бўйича талаб қилинган ёруғлик Em лк. Ёритгич тўғри диаффузияли ёруғлик билан панжарали қоронғилатгич (15°) люминистсент лампали ДС-30, ёруғлик оқими Ф3=1160 лм.

Қабул қиламиз.

2. Хисоблаш услуги

$$F_{л} = \frac{E_{м} \cdot K \cdot S \cdot Z}{N \cdot \eta}$$

Бу ерда $F_{л}$ - хар бир лампанинг ёруғлик оқими, лм;

$E_{м}$ - ёритилганлик меъёри, лк;

K - захира коэффитсиента (1-жадвал)

S - хона майдони, м²

N - лампалар сони

η - ёрутлик оқимининг фойдаланиш коэффитсиенти, яъни барча хоналардаги умумий ёруғлик оқимини ишчи юзага тушаётган оқимлар эътиборига хона кўрсаткичи Rp Rs девордаги ёруғликни қайтариш катталиги оқимининг коэффитсиентига боғлик. (2-жадвал). Z - ўртача ёритилганликнинг минимал ёритилганликдаги муносабати $Z = 1,15 \div 1,2$

1.Хонанинг ўлчов бирлигини аниқлаш.

$$I = \frac{S}{H(A + B)}$$

Бу ерда: S - хона майдони , м²

A - хона эни, м

B - хона бўйи, м

H - баландлик хисоби (иш жойидан - ёритгичга бўлган масофа), м

2. Хисоблаш бўйича баландликни аниқлаш.

$$h = N - h_c - h_b$$

Бу ерда:

h - хона баландлиги, м

h_c - ёритгичнинг баландлиги, $h_c = 0,5$ м

h_b - иш жойининг баландлиги $h_b = 0,8$ м

3. Ёритгичларни сонини аниқлаш учун, аввал улар орасидаги масофани - L топиш керак. Ёритгичлар кўп қаторли бўлиб жойлашган бўлса энг қулай нисбат

$$L : h = 1,5; \quad L = 1,5 \cdot h$$

4. Хонанинг эни ва узунлиги бўйича ёритгичларни сонини аниқлаш:

$$N_{(A)} = \frac{A}{L} \qquad N_{(B)} = \frac{B}{L}$$

5. Ёритгичларни умумий сони қуйидагича аниқланади:

$$N = N_{(A)} \cdot N_{(B)}$$

6. Хар бир ёритгичнинг ёруғлик оқимини аниқлаш.

Агар хар бир ёритгич $F_{\text{л}}$ ёруғлик оқимининг хисоблаш белгиси берилганидан ошиб кетса (Ф3) ёритгичлар сонини қайта санаб чиқиш керак.

2. Дастлабки берилганлар:

К - Захира коэффитсиенти

1-жадвал

Хона тавсифи	Захира коэффитсиентлари		
	Люминестсен лампарлар	Чулгамли лампарлар	Ёритгичларни тозалаш вақти
Чанг, тутун, курумлар-нинг кўп чиқиши	2	1,7	1 ойда 4 марта
Чанг, тутун, курумлар-нинг ўртача чиқиши	1,8	1,5	1 ойда 3 марта
Чанг, тутун, курумлар-нинг кам чиқиши	1,5	1,3	1 ойда 2 марта
Очиқ холатда	1,5	1,3	1 йилда 3 марта

**Хар хил тилдаги люминеснтли ёритгичларнинг фойдаланиш
коэффитсиенти**

2-жадвал

Хона майдони- нинг indexи	Ёритгичларнинг ишлаш коэффитсиенти		
	Ёритгич тўғри дифузияли ёруғлиғи билан панжарали коронгулатгич 15°	Панжарали коронгулатгич юқоридаги очиқ осилувчи ёритгич	Плафонлар панжарали коронгулатгичли билан 30°
Хар хил белгилардаги Rp Rs (%) да			

I	30 10	50 30	<u>70</u> <u>50</u>	50 30	50 50	70 50	70 70	50 30	50 50	50 50	70 70
0,5	15	17	<u>20</u>	13	15	17	23	13	15	15	19
0,6	19	22	<u>24</u>	16	19	22	17	16	19	19	22
0,7	23	25	<u>27</u>	19	21	24	30	19	21	21	24
0,8	25	27	<u>30</u>	21	23	26	32	21	22	23	25
0,9	27	29	<u>31</u>	22	24	28	33	22	23	24	26
1,0	29	30	<u>32</u>	23	25	30	35	23	24	24	27
1,1	30	31	<u>33</u>	24	27	28	36	24	25	25	28
1,25	31	33	<u>35</u>	26	28	30	38	25	26	26	29
1,5	33	34	<u>37</u>	28	30	31	40	26	27	28	30
1,75	34	36	<u>38</u>	29	32	33	41	27	28	29	31
2,0	36	37	<u>39</u>	31	33	35	43	28	29	30	32
2,25	37	38	<u>41</u>	32	35	37	44	29	30	31	33
2,5	38	39	<u>42</u>	33	36	39	46	30	31	32	33
3,0	39	40	<u>43</u>	35	37	40	47	31	32	33	34
3,5	40	41	<u>44</u>	36	38	46	49	32	32	33	34
4,0	41	42	<u>45</u>	36	39	47	50	32	33	34	35
5,0	42	43	<u>46</u>	39	41	49	52	33	34	34	35

Ечиш:

Вариан		3
E _m , лк		400
Хона ўлчамлари	Бўйи, м	70
	Эни, м	50
	Баландлиги, м	7

Берилган:

$$Z=1,17$$

$$h_c=0,5$$

$$h=0,8$$

$$K_l=1,5$$

$$K_{ch}=1,3$$

$$R_p R_s=45$$

$$E_m=400$$

$$A=70$$

$$B=50$$

$$H=7$$

$$1. \quad I = \frac{S}{H(A+B)} = \frac{70 * 80}{7(70 + 50)} = 4,2$$

$$2. \quad N=h+h_c+h_c=7+0,5+0,8=8,3$$

$$3. \quad L=1,5*h=1,5*7=10,5$$

$$4. \quad N_a = \frac{A}{L} = \frac{70}{10,5} = 6$$

$$5. \quad N_b = \frac{B}{L} = \frac{50}{10,5} = 4$$

$$6. \quad N=N_a*N_b=6*4=24$$

$$7. \quad F^{\wedge} = \frac{E_m * K * S * Z}{N * n} = \frac{400 * 1,5 * 3500 * 1,17}{24 * 45} = 2275 \text{ lm}$$

4.4. Электр ва ёнгин хавфсизлиги

Электр токидан ерга улаб мухофаза қилишда эрга улаш қурилмаси юзаки бўлиши мумкин, бунда шохсимон холда ёки нурсимон тартибда ер остига 1 м Чуқурликда 30 м дан кам бўлмаган нурлардан ташкил топган металл таёқлар ётик холатда кўмилади. Чуқурлаштирилган ерга улаш қурилмаси эса 2-3 м дан кам бўлмаган металл трубаларни ёки бошқа шаклдаги металл таёқларни ер юзасидан 0,7-0,8 м Чуқурликкача тик холда қоқилади. Бу таёқчалар ва юқори усулдаги нурлар ўзаро металл тасмалар билан туташтирилиб кавшарланади. Бундай ерга улаш қурилмасининг электр токини ўтказишга қаршилиги 10 Ом дан ошмаслиги керак. Хар қандай электр қурилмаси, агар унинг металл корпусларида электр кучланиши хосил бўлиш хавфи бўлса, қайси жойда ва қандай бинода ишлатилишидан катъий назар, унинг корпусини ерга улаб қўйилади ва бу электр қурилмаларини ерга улаб мухофаза қилиш деб аталади.

Эрга улаб мухофаза қилишнинг асосий мохияти ишлатилаётган электр асбобларининг металл корпусларида электр кучланиши пайдо бўлса, уни ерга ўтказиб юборишдан иборат. Электр қурилмаларни ерга улаб мухофаза қилишнинг асосий хусусияти, қурилма корпусига ўтиб кетган кучланишни хавфсиз кучланиш даражасига туширишдан иборат.

Химояловчи ерга улаш қурилмалари 2 хил:

1. Контурли ерга улаш
2. Ташқарига чиқарилган ерга улаш - бу усул кўпинча уловчи асбоб-ускуналар турган жойдан ташқарига чиқариб маълум бир майдончага тўпланиб ўрнатилади. Ерга улашнинг бу тури асосан кучланиши 1000 В гача бўлган қурилмаларда ишлатилади.

Электр токидан зарарланган инсонга биринчи ёрдам кўрсатиш:

- Шикастланган одамни электр токи таъсирида бир неча усуллар билан халос қилиш мумкин.
- Агар ток урган хушидан кетган бўлса унга медисина ёрдамини кўрсатиш керак.

Ёнғин хавфсизлиги

Электр тоқларини қисқа туташуви натижасида кучланиш ортиб кетиш юзага келади. Натижада ёнғин чиқиш хавфи туқилади. Бу ёнғин чиқиш сабабларидан бири хисобланади. Хоналарнинг ёнғинга қарши тоифасига қараб бўлинади. Агар ёнғин чиккан пайтда оператор дархол ёнғинни сабабини билиши ва уни бартараф этиш усулларини кўриши лозим. Бунинг учун электр тоқидан ёнғин чиккан бўлса линияни электр тоқидан узиб, сўнг ўчиришга киришиш керак. Шу билан биргаликда ўт ўчирувчи гурухларга хабар қилиши лозим. Ёнғин кучайган ҳолатда эвакуасия йуллари орқали (қўшимча чиқиш эшиклари) ишчиларни эвакуасия қилиш керак. Эвакуация йулларининг ёритилиши камида 5 лк бўлиши, йулакларининг эни эса ишчилар сонига нисбатан кенг бўлиши керак. Хар бир ташкилотда ёнғин учун сув таъминоти бўлиши керак.

Карбонат ангидрид ёрдамида ўт ўчириш

Карбонат ангидрид /CO₂/ - инертли, рангсиз газ, солиштирма оғирлиги 1.524, кучсиз хидли ва сувда яхши эрийди 100 С температурада ва 36 атм. Босими суюк ҳолатга келади. ЎЗ хажмидан 0.002 га кўпаяди: суюк ҳолатидаги карбонат ангидрид букланганда 509 л газ ҳосил қилади. Ўт ўчирувчи мосламадан чиккан карбонат ангидрид (5000 мертгача) кенгаяди ва каттик дур ҳолатига (қор кўринишига) келади. Карбонат ангидрид ўт ўчириш хусусиятини шундан иборатки қор кўринишидаги углекислород ёнғин ўчоки тушгандан катта микдордаги исциклик ютиб келади. Карбонат ангидрид осон ёнадаган суюкликларни, кучланиш остида электр мосламаларини ўчиришда яхши фойда беради.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишни бажариш давомида "PHP дастурлаш тили" билан пухта танишдим. Унинг қачон яратилгани, тарихи, операторлари, массивлар имкониятларини пухта ўргандим. Бундан ташқари CMS технологиялари билан яқиндан танишдим. Хусусан Joomla CMS нинг имкониятлари афзалликлари ва камчиликларини ўрганиб чикдим.

Кириш қисмида интернет технологиялари хақида жумладан web сайтлар тўғрисида тўхталиб ўтдим. Аналитик қисмда дастурлаш тилининг операторларини кўрсатиш билан кичик дастурларни тузишни кўриб чикдим. Дастурни тузишнинг мураккаб жихатларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Замонавий web дастурлаш тилларига кирувчи PHP дастурлаш мухити модуллар билан ишладим. Замонавий дастурлаш технологиялари PHP дастурлаш тили бошқа дастурлар ичида етакчи эканлигини яна бир бор анлаб етдим. Joomla CMS си web сайт яратишда анча қулай ва ҳар томонлама мукамаллиги билан бошқа CMS лардан ажралиб туради. Сахифаларнинг ёркинлиги ва фойдаланувчиларга кўшимча хизматлар ярата олиши билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган.

Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки яқин йиллар ичида мамлакатимиздаги барча ташкилотлар, муассасалар, таълим даргохлари ва бошқа барча давлат идоралари ўзининг web сайтларига эга бўлади. Мени бу битирув малакавий ишим давомида қилган сайтим ана шундай ёркин келажакка илк қадам деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 22-сон, 157-модда*)
2. Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.09.2005 й. пқ-191
3. Н. Норалиев ва бошқалар "Ўқитувчилар фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш" Т"ЎМКХТРИ" 2004 Абдукодиров А.
4. Гуломов С.С. ва бошқ. "Иқтисодий информатика". Т.: "Ўзбекистон".
5. Саттаров А. "Информатика ва ахборот технологиялари" Т. "Ўқитувчи" 2002.
6. Арипов М, Хайдаров А., Хайитов А.Ғ, Шодиев Р.Р. "Ахборот технологиялари". Т. "Ўқитувчи". 2002.А. "Информатика асослари". Т. "Ўқитувчи" 2002.
7. С.И. Рахмонкулова "ИБМ ПС шахсий компютерида ишлаш". "Шарк" НМК-С. ПРИНТ. Тошкен - 1998
8. "Ахборот тизимлари ва технологиялари". ОУЮ талабалари учун дарслик Муаллифлар: Гуломов С.С., Алимов Р.Х., Т.: "Шарк", 2000.
9. Уилтон П. Жава Скрипт. Основи. Символ-плюс. 2002
10. WWW.ziyonet.uz
11. WWW.php.ru
12. WWW.joomla.org
13. WWW.google.ru